

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1988 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 272 (6. 761)

1988 йил 29 ноябрь, сешанба

Бақоси 4 тийин.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1988 йил 28 ноябрь куни КПСС Марказий Комитетининг наъбатдаги Пленуми бўлиб ўтди.

Пленум «Давлат қурилиши соҳасида сиёсий ислохот ўтказиш тadbирлари тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Шу масала юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев доклад қилди.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси В. И. Воротников, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шербицкий, КПСС Чечен-Ингушсия область комитетининг биринчи секретари В. К. Фотеев, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари М. С. Мендибаев, Куйбишев Волгастадаги СССР 50 йиллиги номида бўлган автомобиль заводининг электрликлар бригадир В. М. Малихин, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, М. В. Ломоно-

сов номи Москва Давлат университети ректори А. А. Логунов, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколов, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Вяляс, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А.-Р. Х. Везиров, СССР темир йўллар министри Н. С. Конярев сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев якуловчи нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилди. Бу қарор матбуотда эълон қилинади.

Пленумда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижковнинг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган даврга мўлжалланган

Концепцияси лойиҳасини тайёрлаш соҳасидаги иш ҳақида»ги доклады тингланди. Пленум бу масала юзасидан қарор қабул этди, бу қарор матбуотда эълон қилинади.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари юзасидан КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил сентябрь Пленуми тузган комиссияларининг тўла составини тасдиқлади. Шу масалага оид қарор матбуотда эълон қилинади.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Пленум ўз обрўларини тўккан И. Б. Усмонхўжаевни КПСС Марказий Комитетининг аъзолари составидан, И. Жабборовни ва О. У. Салимовни КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар составидан чиқарди.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тавомлади.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг пленуми

26 ноябрда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг XIV пленуми бўлиб ўтди. Пленумда «XXVI Тошкент шаҳар партия конференцияси материаллари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин пленумни очди ва унда ахборот билан сўзга чиқди.

Музокараларда Тошкент метрополитенининг бошлиғи Ш. Р. Шоабдурахмонов, «Промстройиндустрия» бирлашмасининг 1-темир-бетон буюмлари заводи кранчиси Н. П. Тусия, Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари У. С. Султонова, шоира Г. Нуруллаева, Сергели район партия комитетининг биринчи секретари А. А. Манасов, тажриба-пиллашчи фабрикасининг ишчиси Д. Н. Қосимова, 1-ғоччи қайта ишлаш заводининг станокчиси Т. Давидов, САНИИРИ илмий-ишлаб чиқариш тажриба бирлашмасининг директори Ю. Р. Умаров, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институтининг директори Б. М. Беглов қатнашдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Пленум ташкилий масалаларини кўриб чиқди. Пленум А. И. Фозиловнинг Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети раисининг биринчи ўринбосари этиб тасдиқланганлиги муносабати билан ун Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари лавозимидан ишлаган О. Х. Ақсаров Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари этиб сайланди.

Пленум А. Е. Лаврушко Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аппаратида ишга ўтганлиги муносабати билан ун Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилди.

Тошкент область партия комитетининг идеология бўлими мудири бўлиб ишлаган К. Р. Расулов шаҳар партия комитетининг аъзоси, бюро аъзоси ва секретари этиб сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Х. Холмўхамедов, Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг секретари Э. И. Фозилов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий иш-

лар бўлими мудирининг биринчи ўринбосари У. О. Зокоров қатнашдилар.

РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

26 ноябрда Тошкент шаҳар партия ташкилоты ревизия комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда XXVI Тошкент шаҳар партия конференциясига ревизия комиссияси ҳисобот докладининг лойиҳаси муҳокама этилди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Илгари хабар бериб ўтилгандек, шаҳар партия комитетининг бюроси КПСС Марказий Комитети июль (1988 йил) Пленуми қарорларига мувофиқ амалга оширилётган партия комитетларининг структурасини қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Тошкент шаҳар партия комитети аппаратида қайта ташкил этиш ишларини амалга ошириш чоғида тармоқ йўналишидаги бешта бўлим қисқартирилди, ходимлар сон қисқарди.

Район партия комитетларидаги саноат-транспорт бўлимлари тугатилди. Партия комитетларини таърибли, ғайрат-шиқоватли, вақолатли кадрлар билан мустаҳкамлаш бўйича ишлар олиб боришмоқда.

XXVI Тошкент шаҳар ва XXIII Тошкент область

партия конференциялари олдидан

ЗАМОНДОШИМИЗ



Қўллар достони

Маълумотдан биронта киши «Сени бу даражагача етиштирган нима?» деб сўраса, у ҳеч иккиланмай шундай жавоб беради: — Ҳалол меҳнатим!

Ҳалол меҳнат ҳақида жуда ҳам кўплаб ривоят, афсоналар бор, улардан бирини айтиб ўтиш ўринли бўлади деб ўйлайман.

Бир киши умида бир тоғчи сув тилаган ерда боғ яратмоқчи бўлибди. Олисдаги ахбордан сув келтириш учун ариқ қавлай бошлади. Унинг уринишини кўриб одамлар бош чайқашибди.

— Эҳ, бекора уринаясан, шу ердан наҳос сув оқади-ю, бир тул дарахт қўради. Эту унинг ичиди эса ҳеч нарса демай ишда давом этаверибди. Минг машаққат билан ариқ қавлайди. Ниҳол экди. Бир куни шабодада шивирлаётган яроқларга қараб туриб, қўлидаги қадоқларни ўпибди:

— Қўлларимдан айланай!—дебди фахр билан.

Меҳнаткаш қўли, покза дили бор экан инсон номин ҳаминша шарафга бурканаверади. Қўли билан ўз бахтини яратаверади.

Бу ҳикоят айнан Маълума Шокирова ҳақида айтилгандек. Айтилганда ҳам тоғиб айтилгандек.

1976 йилда «Ташэлектробитрибор» заво-

дига ишга келганда у соддагина қизча эди. Иллар ўтди. Маълума касб ўрганди, иштишти. Донгдор ишчиларга эргашди. Мана, бугун у шу иланишларининг, иштишларининг, ҳалол меҳнатининг меvasини кўрмоқда.

Ҳар бир хонадонда турли шаклу шамойилдаги қандиллар нур сочиб туради. Шуларнинг қанчаларини кўриб беихтиёр кишининг завқи қўзалади:

— Қўлларинг дард кўрмасин! — деб юборасиз.

Бу маънос ҳам айнан Маълума ва унинг дугоналари ҳақида айтилган.

Маълума Шокирова билан Чилонзор район ҳисобот-саноат партия конференциясида учрашди. Унинг чехрасида қувонч барқ уриб туради. Район партия комитетининг аъзоси бўлган бу қизни янги хушхабар кутиб турарди: у XXIII Тошкент область партия конференциясига делегатликка номзод қилиб кўрсатилди.

Ундан бу шодиянинг сабабларини сўраганимизда у қўлларини кўрсатди ва — Қўлларинг раҳмат! — деди.

Унинг бу сўзларида кўп маъно бор эди. Т. ҲУЛДОШЕВ.

© СУРАТДА: Маълума Шокирова, Р. Шарипов фотоси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ПАРТИЯ ГРУППАСИДА

25 ноябрь куни сессия олдидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети партия группасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 170-сайлов округидан депутат, коммунист В. Д. Ардатов шаҳар Советининг шаҳар экономикасини бошқаришни қайта кўриш масалалари билан шуғулланувчи комиссияси иши тўғрисида ҳисобот билан сўзга чиқди.

Мазкур масала юзасидан музокараларда 259-сайлов округидан депутат, Абу Али ибн Сино номидаги 1-шаҳар касалхонасининг бош врач К. Т. Ризаев, 348-сайлов округидан депутат, 176-мактаб директори В. А. Слепакова, 301-сайлов округидан депутат, 3-уйсозлик комбинатининг бошлиғи С. С. Султонов сўзга чиқдилар.

Депутат, коммунист В. Д. Ардатовнинг шаҳар экономикасини бошқаришни қайта кўриш масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссиясининг иши тўғрисидаги ҳисоботи эътибор учун қабул қилинди.

Шаҳар Совети доимий комиссияси коммунистларга тўла ҳўжалиги ҳисоби ва ўз-ўзини молиявий таъминлашга ўтган корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг белгиланган планларнинг бажарилишини ташкил этишга доир фаолиятини тез-тез ўрганиб туриш ва кўриб чиқиш топирилди. Улар меҳнатни ташкил этишининг янги, илғор кўринишларини жорий этиш масалалари билан кўпроқ шуғулланишлари лозим. Ўз фаолиятларини бошқа доимий комиссияларнинг иши билан мустаҳкамроқ боғлашлари, комиссияларнинг кўма мажлисларини иш практикасига жорий этишлари зарур. Ўз мажлисларида нақазларнинг ижроси масалаларини кўриб туришлари, фаолиятининг депутат сўрови каби самарали кўринишдан кенгроқ фойдаланишлари керак.

Йиғилишда партия группасининг 1989 йилги иш плани тасдиқланди. Партия группаси йиғилишини Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин олиб борди.

Иширманчи чақирик халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг еттинчи сессияси

ҚАЙТА ҚУРИШНИ АМАЛИЙ ИШЛАР БИЛАН ЧУҚУРЛАШТИРАЙЛИК

Илгари хабар қилинганидек, шу йил 25 ноябрь куни Тошкент область партия комитетининг мажлисларида қайта қуриш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг еттинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни Тошкент шаҳар Советининг раиси Ш. Х. Хўжаев очди.

Совет сессиясининг қуйдаги кун тартибини тасдиқлади:

1. Мандат комиссиясининг доклады.

2. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1988 йилги ҳисоботи.

3. Тошкент шаҳрининг иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги плани тўғрисида ҳамда Тошкент шаҳрининг иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1988 йилги плани қандай бажарилаётгани ҳақида.

4. Тошкент шаҳрининг 1989 йилги бюджет тўғрисида ва Тошкент шаҳрининг 1987 йилги бюджетининг ижроси ҳақида.

5. Шаҳар Советининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш доимий комиссиясининг иши тўғрисидаги ҳисобот.

6. Шу йилнинг август ойида шаҳар Советининг олтинчи сессиясида кўриб чиқилган 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган истиқболга мўлжалланган «Саломатлик» комплекс тармоқ программасига доимий комиссиялар ва депутатлар қиритган қўшимчалар ва ўзгаришлар тўғрисида ахборот.

7. «Тошкент шаҳрининг халқ ҳўжалигини бошқариш структурасини такомиллаштириш тўғрисида» шаҳар ижроия комитетининг 1988 йил 15 ноябрдаги 536/23-қарорини тасдиқлаш ҳақида.

8. Депутатлар сўровларининг бажарилиши тўғрисида ахборот.

9. Тошкент шаҳар Советининг 1989 йилги иш планини тасдиқлаш.

10. Ташкилий масалалар.

11. СССР Конституциясига ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисидаги ҳамда СССР халқ депутатларини сайлаш ҳақидаги СССР Қонунларининг лойиҳалари тўғрисида.

Совет мандат комиссиясининг доклады юзасидан йиғирингани чақирик халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети қуйдаги депутатларнинг вақолатларини тўғри деб топди: Тошхўжаева Насиба Шокирова — 251-Октябрь район сайлов округидан; Петрунин Вячеслав Васильевич — 333-Сергели район сайлов округидан — ўрни бўшб қолган депутатлар ўрнига 1988 йил 30 октябрда сайланишган.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1988 йилги иши тўғрисидаги ҳисобот муҳокама қилинди.

Шу нарса қайд этилдики, ижроия комитет ўз куч-ғайратларини демократиялаш ва ошқораликни янада кенгайтиришга, шаҳарни комплекс иқтисодий ва социал ривожлантиришга, аҳолининг районлар бўйича маиший хизмат соҳаси кўрсатилган хизматлар билан таъминланиш даражасини баъаварлаштиришга, шаҳар ва район бўғинларини бошқариш структурасини

такомиллаштиришга, халқ ҳўжалиги тармоқларида ҳўжалик ҳисобини ва ўзини ўзи пул билан таъминлашни жорий этишга сарфлади. Шаҳар Совети ижроия комитетининг фаолиятида ишчанлик кўпайиб, мажлисбозлик камайди. Қабул қилинаётган қарорларда шаҳар учун ниҳоятда долзарб ҳаётий муҳим масалаларга оид жамоатчилик фикри тўлиқроқ эътиборга олинадиган бўлиб қолди.

Ҳисобот даврида Советнинг доимий комиссиялари, барча депутатларни активлаштиришга эришишга муваффақ бўлиди. Кейинги икки сессияни Совет депутатларини жамоатчиликни жалб этиб, амалда ўзи тайёрлади. Эндликда депутатлар сессия муҳокамасига тақдим этилган масалаларни ҳал этишга доир конкрет ташлифларни қиритмоқдалар, ижроия комитет мажлисларида ҳам масалаларни тайёрлашда кенг иштирок этмоқдалар. Ижроия комитет Совет раҳбарлигида ҳар бир сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бироян-бир янгиллик қиритиб, бу ишни муттасил такомиллаштириб бормоқда. Масалан, Тошкент шаҳар Советининг олтинчи сессияси «Саломатлик» комплекс тармоқ программасини тўрта секцияда кўриб чиқилган бўлса, ушбу сессияга тайёргарлик чоғида еттинчи сессияда иш олиб борилди, буларда 70 дан зиёд депутат сўзга чиқди.

Шаҳар Совети ижроия комитетининг сайёр мажлисларини ўтказиш ижроия комитет учун норма бўлиб қолди. Ижроия комитет, унинг борм бошқармалари, бошқармалари, бирлашмалари ва бўғимларининг раҳбарлари саноат, қурилиш, транспорт корхоналари ҳамда бошқа корхоналарнинг ходимлари билан мунтазам учрашиб турадилар. Бундай учрашувлар коллективлар турмушининг иқтисодий ва социал ниҳатларини яхшироқ билиб олишга, советларнинг, уларнинг ижроия органларининг фаолиятини такомиллаштиришга доир таққидий фикр-мулоҳазалар ва ташлифларни қабул қилишга ёрдам беради.

Ижроия комитетининг ва унга бўйсунувчи бўғимларининг ташкилотчилик фаолиятини такомиллаштириш 1988 йилги планиларни бажаришга ижобий таъсир қилди. Саноатда шу йилнинг ўн ойи якуниларига кўра ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан 7,5 процент халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда 9,5 процент, аҳолига пулли хизматлар кўрсатишда 18 процент ўсish суръатига эришилди. Мақтаблар, мактабга таъбия муассасалари, полициякорлар ҳамда бошқа хизмат объектларини фойдаланишга топириш планилари бажаришмоқда.

Янги, 1989 йилдан бошлаб шаҳар корхоналари ва ташкилотларини тўла ҳўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш борасида муайян ишлар олиб боришмоқда. Ҳозир жами саноат корхоналарининг салкам 40 проценти, бир қанча қурилиш ташкилотлари ҳўжалик юртиш янги шaroитларидан ишламоқда.

Шу билан бирга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети шаҳар ҳўжалигига раҳбарлик

қилиш юзасидан ижроия комитет амалга ошираётган ишлар ҳали ҳам давр талабларига мувофиқ эмас, ижроия комитет билан шаҳар хизмат маҳкамаларининг барча раҳбарлари ҳам қайта қурилиш қабул қилиб олганлари йўқ, раҳбарликда маъмурий услубга барҳам беришмаган, уларнинг айримлари иқтисодий методларни эғалаб олишмаган, бу эса қайта қуриш суръатларини жадаллаштиришга тўсқинлик қилапти, деб ҳисоблайди. Мана шуларнинг ҳаммаси Тошкент шаҳрини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг пировард натижаларига салбий таъсир этмоқда.

Ижроия комитет баъзан жуда катта муаммоларни ҳал қилишни назардан қочириб, жорий масалаларга ҳамон кўп эътибор бериб келмоқда. Қабул қилинаётган қарорларнинг ҳаммаси ҳам конкрет тўсда эмас, уларнинг баъзилари контрол қилиш учун мураккабдир. Озиқ-овқат программаси, экологик вазиет, иқтисодчи кадрларни тайёрлаш, оилавий ва бритада пудратни жорий этиш, кооперативларни, хусусан темир-терас ҳамда йора ва рангли металлларнинг чиқтиларини, иккиламчи хом ашёнинг бошқа турларини тайёрлаб топирадилаш, шаҳар территориясини су-пуриб-сидриш ва тозалаш билан шуғулланидиган ва бошқа кооперативларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар секинлик билан ҳал қилинмоқда.

Уй-қойларни фойдаланишга топиришда ҳамон қолқонлик йўл қўйилмоқда. Шаҳар пассажир транспортининг ишида аввалтиден камчиликлар мавжуд.

Мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка тайёрлаш ҳамда уларни қишга асраш белгиланган топириқлардан орқада қолмоқда. Шаҳар жамоатчилиги магизинларда аҳолига гўшт ва қанд-шакар сотиш ишларини текширганда жиддий камчиликлар аниқланди.

Қиш шарoитида шаҳар ва районларнинг барча хизматлари нормал ишлашини таъминлаш борасидаги масалаларнинг ҳаммаси ҳам ҳозиргача ҳал этилган деб бўлмайдиган, исқил, сув таъминотида, канализация, уй ва кўчаларни ёритиш ишларида юзага келаятган авариалари вазиитлар ўз вақтида бартарф этилмаётганлиги тўғрисида аҳолидан ҳаққоний шикоят ва аризалар ҳамон келиб турибди.

Маданий-маърифий муассасалар, соғлиқни сақлаш, социал таъминот органлари, ҳўқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида камчиликлар ва ҳал этилмаган масалалар бор.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1988 йилги ишини қоникларидан деб топди.

Совет шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари зиммасига демократиялаш ва ошқоралик жараёндарига таъиниб, барчаннинг социал ва сиёсий активлигини ошириш, ташкилотчилик ва ҳўжалик фаолиятини ҳозирги шарoитда энг долзарб бўлган қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратиш мажбуриятини юкледи:

— аҳолининг озиқ-овқат таъминотини, яхшилаш, бозорни товарлар билан бойитиш, аҳолини хилма-хил хизматлар билан таъминлаш, савдо ва умумий овқатланишни ташкил этишни анча яхшилаш, социал ва маданий соҳанинг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш;

— ўн иккинчи беш йиллик топириқлари ва шу асосда шаҳар экономикасини янада ривожлантириш ҳамда социал муаммоларни ҳал этиш учун мустаҳкам пойдевор яратиш таъминлаш;

— интенсив омиллар ролинини кучайтириш ва аввало меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳамда ресурсларни фаол тежаш, туб иқтисодий ислохотини изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, шартномавий маъбуриятларни оғишмай бажариш;

— аҳолини картошка, сабзавот ва мевадар билан таъминлашда тарийб тогган система замон талабларига мутлақо мос эмаслигини, етиштирилган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотининг кўпайиб нобуд бўлишига ва унинг сифати ёмонлашуви, шу маҳсулотлар билан савдо қилишда доимий узилишларга олиб келаятган ишчи эътиборга олиб, Совет шаҳар Советининг ижроия комитети (Э. А. Ризаев), савдо бош бошқармаси (Ф. Х. Мансуров) умумий овқатланиш бош бошқармаси (А. С. Усмонов) зиммасига халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетлари билан биргаликада аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка билан таъминлаш ишларини тубдан ўзгартиришга доир конкрет чораларни ишлаб чиқиш, бунинг учун зарур иқтисодий шарт-шaroитлар яратилишини, шундай маҳсулотларни етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлашни ташкил қилишнинг янги формаларини практикага жорий этишни назарда тутиш мажбуриятини юкледи;

— халқ депутатлари шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетларига иттифоқ қарамогидан корхоналар ҳамда ташкилотлар билан биргаликада 1989—1990 йилларда ердамчи ишлаб чиқаришларини, биринчи наъбатда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва халқ истеъмол моллари тайёрлайдиган ердамчи ишлаб чиқаришларини кенг ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш топирилди;

— Совет шаҳар Советининг ижроия комитети, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг молия бошқармасига (С. С. Бузурукхўжаев) кооперативларнинг фаолиятини таҳлил қилишни, ундаги мавжуд камчиликлар ва салбий ҳолатларга, шу жумладан нарх белгилашда ва кооперативлар ишлаб чиқараётган маҳсулот (ишлар) хизматларнинг сифатини таъминлашдаги камчиликларга алоҳида эътибор беришни топириди. Натижаларга кўра 1988 йилнинг 1 декабрига қадар шу ишни такомиллаштириш ва кооператив ҳаракатини янада ривожлантириш юзасидан Ўзбекистон ССР Госпланига тақлифлар киритилиши:

(Давоми 2, 3, 4-бетларда).

ҚАЙТА ҚУРИШНИ АМАЛЛИЙ ИШЛАР БИЛАН ЧУҚУРЛАШТИРАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

— ижроия комитет раисининг ўринбосари К. Н. Тўлағанов, капитал қурилиш бош бошқармаси (М. Н. Абдуллаев), «Водоканал» трести (З. Т. Солихўжаев), трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси (С. И. Парфенов), бошқа буюртмачи ташкилотлар капитал маблағларнинг қўлдан-қўл объектларга сочиб юборилишига, лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бўш майдонлар билан таъминланмаган объектларнинг планга киритилишига йўл қўймасинлар. Пудратчи қурилиш ташкилотлари билан биргаликда капитал маблағ самардорлигини тубдан ошириш, 1989 йилда қурилиш соҳасида қатъий бурилишга эришиш мақсадида қурилиш ишларини ташкил этишни яхшилаш борасидаги комплекс тадбирлар амалга оширилсин. Барпо этилаётган объектларнинг сифати, турар жой микрорайонлари комплекс равишда қурилишига алоҳида эътибор берилсин.

— ижроия комитет раисининг ўринбосари М. М. Алиев, «Главташпассавоттранс», трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси аҳолига транспорт хизматини яхшилаш юзасидан белгиланган чораларни яна ҳам қатъий билан амалга оширсинлар, пассажир транспорт хўжаликларини ҳайдовчи кадрлар ва ремонтчи ишчилар билан тўла таъминлаш юзасидан конкрет чораларни кўрсинлар. 331-қарорда кўзда тутилган шаҳар электр транспортининг барча объектлари ишга туширилиши таъминлансин;

— ижроия комитет раисининг ўринбосари Л. А. Костин шаҳарнинг барча истеъмолчилари ташқиридаги ҳарорат қандай бўлишидан қатъий назар иссиқлик, сув, газ, энергия билан таъминлаб турилишини доимий назорат остига олсин.

— «Таштёплокоммунэнерго» (С. М. Қосимов), «Ташгаз» (Е. Б. Кейнов) ишлаб чиқариш бирлашмаларининг, «Водоканал» трестининг (З. Т. Солихўжаев), шаҳар уй-жой бошқармасининг (В. Н. Ким), «Таштёплоцентр» ишлаб чиқариш бирлашмасининг (Хошимов), «Таштёплогаз» ишлаб чиқариш бошқармаси (Б. Ш. Усмонов), «Ташгаз» (С. М. Қосимов) раҳбарлари (С. Н. Засеев) барча авария-тиклаш хизматларининг нормал ишлашини таъминласинлар, юзга келадиган аварияли вазиятларни ўз вақтида бартараф этсинлар;

— ижроия комитет раисининг ўринбосари Қ. Ф. Рафиқов халқ таълими, маданият, социал таъминот муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътиборни жалб этсин, 1986—1990 йилларга ва 2000-йилгача бўлган даврга мўлжаллаб ишлаб чиқилган «Саломатлик» комплекс тармоқ программасининг амалда бўёбга чиқарилиш устидан доимий назорат ўрнатилишини таъминласин;

— ижроия комитет раисининг ўринбосари Қ. М. Солиқов Тошкент шаҳар ижроия комитети план комиссиясининг аппаратурини хўжалик юретиш янги шaroитларида план органлари оидига қўйилган вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган малакали кадрлар билан таъминласин;

— Тошкент шаҳар Советининг доимий комиссиялари комиссияларини фаолиятини таъминлаш борасидаги ишларни давом эттирсинлар, бу ишларнинг иттиқдорлигини оширсинлар, ўз мажлисларида ижроия комитет, унинг қарамониди бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаб турсинлар, қабул қилинмаган қарорлар ва тавсиялар бажарилишига эришсинлар;

— Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ташкилий-инструкторлик бўлими (Б. Х. Пулатов) доимий комиссиялар ва барча депутатларнинг фаолиятини кучайтиришга, барча даражалардаги депутатларга берилган сўловларнинг нақзалари бажарилишига қўмақласин, бунинг учун депутатлар ижроия комитетининг, унинг бўлинмалари ва бошқармаларининг иш, сессиялар ва ижроия комитет қабул қилаётган қарорларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборот билан таъминлаб турилсин.

Ижроия комитет раисининг ўринбосари, шаҳар план комиссиясининг раиси Қ. А. Солиқов «Тошкент шаҳарини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги плани тўғрисида» доклад қилди.

Докладчи қайд этиб ўтганидек, план лойиҳаси Советнинг план-бюджет ва бошқа доимий комиссияларининг мажлисларида олинган қўриб чиқиш, депутатлар томонидан асосан маъқуллидир.

План лойиҳаси меҳнат коллективларида давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунига тўла мувофиқ равишда ишлаб чиқила бошланганлиги тақдид этилган шу лойиҳанинг ана бир ўзига ҳо ҳусусиятидир.

План лойиҳасининг асосий йўналишларини ишлаб чиқишдан олдин шу йилги план қандай бажарилаётганлиги ва беш йиллик уч йилнинг дастлабки якуналари тўғрисида катта таҳлилий ишлар амалга оширилди.

Экономика ва инфраструктуранинг энг муҳим тармоқлари бўйича шаҳарда иккунчи силжилар наноиб бўланганлиги таҳлил қўрсатиб турибди. Дастлабки маълумотларга кўра 1988 йилда саноатда ўсиш суръати 6,1 процентга, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда салкам 9 процентга етади, товар оборотида 6 процентдан, пулли хизматлар соҳасида 18 процентдан ошиб кетади.

Мақтабга тарбия болалар муассасалари, поликлиникалар, умумий таълим мактаблари ва бошқа маънавий хизмат объектлари фойдаланишга топширилиши таъминланади.

Шу билан бирга саноатдаги ҳар тўрт корхонанинг бири шартнома юзасидан махсулот етказиб бериш мажбуриятини бажара олмайпти, улар орасида ҳатто хўжалик юретишининг янги шaroитида бир неча йилдан буён ишлаб келмаётган корхоналар ҳам бор. Шу йилнинг ўн ой якуналарига кўра план 98,4 процент бажарилди, 56 миллион сўмлик махсулот кам етказиб берилди.

Саноат ишлаб чиқаришини истеъмол моллари, айниқса «А» группаси корхоналарида истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг ишларини ошириш борасида социал жиҳатдан қайта йўналтириш ишлари секциялик билан амалга оширилмоқда, ана шу корхоналар аслида бу муҳим вазифани ҳал этишдан бўйин товламоқдалар. Шаҳарнинг кўпгина саноат корхоналари каттагина ишлаб чиқариш ресурслари, техник, моддий ва одам ресурсларига эга бўлгани ҳолда мазкур меҳнат коллективларида ишловчилар иш ҳақи фонднинг ҳар бир сўми ҳисобига атғи 15—20 тинийлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни давом эттирмоқдалар.

Капитал қурилиш ҳамон сезиларли силжилар йўл, бу эса шаҳар Совети ижроия комитетини, барча депутатларни айниқса ташвишлантирмоқда.

Бўлажак 1989 йил тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш шaroити-

да бошқаришнинг иқтисодий форма ва методларидан актив фойдаланиш афзалликлари тўла-тўлиқ рўйбга чиқариши керак.

Асосан барча саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари ҳамда бошқа корхона ва ташкилотлар хўжалик юретишининг янги шaroитига ўтишлари лозим. Бунинг устига биз кейинчалик умуман шаҳарнинг, районларнинг тўла хўжалик ҳисобига ўтишига ҳозирлик қўришимиз керак.

Ишлаб топилган маблағларни ишлаб чиқариш ҳамда социал ривожланиш масалаларини ҳал этишга сарфлашда корхоналар билан ташкилотларга катта мустақиллик берилмоқда. Ҳозир жуда яқин вақт ичида махсулот етказиб бериш тўғрисидаги шартномаларни тузиш гоит муҳим вазифадир, ҳозирча жами саноат корхоналарининг 40,8 процентини тўла ҳажмда шундай шартномаларни тузди.

План лойиҳасида шаҳар саноатидagi ишлаб чиқариш ҳажмининг 4,1 процент ўстириш, меҳнат унумдорлигини 4,1 процент ошириш суръати кўзда тутилмоқда. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг ҳаммасини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олиш мўлжалланмоқда. Саноатда янги техника ва технологияга доир топшириқлар белгиланган.

План лойиҳасида капитал қурилишга муҳим ўрин берилган. Умуман шаҳар бўйича ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини барпо этишга капитал маблағлар ҳажми 790 миллион сўмдан ортиқ ҳажмда, жумладан социал соҳани ривожлантиришга 526 миллион сўм ёки жами капитал маблағларнинг 66 процентдан кўпроги белгиланган. Бу эса шу йилги даражадан 23 процент ортиқ бўлиб, план лойиҳасининг социал йўналишига батамом мувофиқ келади. Пул билан таъминланган барча манбалари ҳисобига жами саҳни 1 миллион 137 минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жойларнинг қўйладинишга топширилиши таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Пул билан таъминланган барча манбалари ҳисобидан 12928 ўқувчи мўлжалланган умумий таълим мактабларини фойдаланишга топшириш назарда тутилмоқда. 1989 йилда 6490 ўқувчи мактабга тарбия болалар муассасаларини фойдаланишга топшириш планлаштирилган, бу эса 1988 йилгача қараганда 1490 ўқувчи кўпроқ.

Ҳар сменада 2560 беморни қабул қиладиган поликлиникалар, 140 ўқувчи касалхоналар келгуси йилда пул билан таъминланган барча манбалари ҳисобидан ишга туширилади. Сайловчиларнинг нақзаларига кўра 1989 йилда Ақмал Иқромов районидagi К—25 квтарда 325 беморни қабул қилишга мўлжалланган стоматология поликлиникаси, Қорасув—3 микрорайонда худди шундай поликлиника, Марказ—17/18 микрорайонда 600 беморни қабул қилишга мўлжалланган поликлиника, Юнусовод массивининг СГ—3 микрорайонда худди шунча беморга мўлжалланган поликлиника каби соғлиқни сақлаш объектлари фойдаланишга топширилади.

Бундан ташқари бугун депутатлар тасдиқлаш учун ҳавола этилган «Саломатлик» комплекс тармоқ программасининг асосий йўналишларини амалда рўйбга чиқариш учун маъмурий биноларни тегишли тарзда реконструкция қилиш ҳисобига касалхоналарга қўшимча 200 ўқувчи оқилдаги ҳамда амбулатория-поликлиника муассасаларида 1530 беморни қўшимча равишда қабул қилиш мумкин бўлади.

Коммунал тармоқ объектлари қурилишига 55 миллион сўмдан ортиқ ҳажмда, шу жумладан водопровод ва канализация объектларини барпо этишга 20 миллион сўм ҳажмда капитал маблағ сарфланади, бунда 65 километр водопровод шохобчаси, 39 километр канализация шохобчаси фойдаланишга топширилади.

Шаҳар электр транспортининг ишини яхшилаш учун янги линияларнинг ва ишлаб турган маршрутларнинг энергия таъминотини барқарор қилишни ҳисобга олиб, умумий қуввати 26 минг киловаттга борадиган подстанциялар ишга туширилиши таъминланади. Сергели районда автобус парк қурилиш учун 12 гектар майдонли ер участкаси ажратилди.

9 километр узунликдаги янги магистраль иссиқлик шохобчалари қурилишига, 15 километр узунликдаги эскириб қолган магистраль иссиқлик шохобчаларини, 100 километр узунликдаги ички квартал иссиқлик шохобчаларини қайтадан ётқизишга маблағ ажратилди. Мана шуларнинг ҳаммаси истеъмолчиларни иссиқлик билан барқарор таъминлаш имконини беради.

Ободонлаштириш объектлари қурилишига капитал маблағ ажратишни планлаштиришда қонлиқ принциплга амал қилиниши натижасида йўл қўйилган хатоларни эътиборга олиб, 1989 йил учун ана шу мақсадларга фақат давлат капитал маблағлари ҳисобидан 9 миллион сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда.

Планлаштирилаётган йилда Калинин номи, «Партия XX съезди» массивларида, Бешёғоч микрорайонда маънавий хизмат комбинатларини очиб мўлжалланмоқда. Юнусовод массивида «Химчистка» фабрикаси ҳамда бошқа объектлар ишга туширилади.

Планинг махсус бўлими атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бағишланган. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга планда 12 миллион сўмлик ҳажмдаги маблағ ажратилиши кўзда тутилди.

Соғлиқни сақлаш, халқ таълими, физкультура ва спорт, социал таъминот янада ривожлантирилади.

1989 йилда илгари шахсий хўжаликда банд бўлган 40 мингдан зиёд кишини қўшимча равишда ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш назарда тутилмоқда. Ана шу кишилар қўшимча иш жойларини вужудга келтириш ҳисобига иш билан таъминланадилар.

Планинг социал йўналиши аҳолининг уй-жой, мактабга тарбия болалар муассасалари, савдо, маънавий хизмат, умумий овқатланиш корхоналарининг хизматлари билан таъминланиш даражасини, инфраструктуранинг бошқа йўналишлари даражасини бирмунча ошириш имконини беради, шаҳар районлари бўйича таъминланиш даражаларини бараварлаштиришга қўмақлашади.

Ҳозир лойиҳани секцияларнинг мажлисларида муҳофаза қилиш вақтида депутатлар билдирган фикр-мулоҳазаларни, шаҳар Советининг ушбу сессиядаги планнинг асосий йўналишлари юзасидан киритилган тақдирларни ишларни юзасидан киритилган тақдирларни эътиборга олиб, план лойиҳаси устидagi ишларни давом эттириш керак. Халқ депутатлари шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари уларга қарашли территорияларда хўжаликнинг аҳоли учун тўла-тўлиқ жавобгардирлар.

Айниқса бу гап социал соҳа, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва пулли хизматлар қўрсатиш борасидаги планларга тааллуқлидир. Бу эса ўз навбатида иқтисодий кадрлар тайёрлаш, моддий-техника таъминоти системасини тубдан қайта қўриб чиқишни тақозо этади.

Шаҳар план комиссияси, халқ депутатлари район Советларининг тегишли ижроия комитетлари махсулот ишлаб чиқариш бўйича беш йиллик топшириқларидан анча қолоқликка йўл қўйган республика Енгил саноат министрлиги, Мебель саноати министрлиги, Давлат агро-саноат комитети корхоналарида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш плани қўрсатишчилари дарҳол ақиқатда олишлари зарур. Планилар машина-ускуналар иш соҳасининг коэффицентини ошириш тадбирларини, мавжуд қувватлардан, айниқса уларнинг актив қисмидан фойдаланишни, бун ва техниканинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқариш жавабларига таъбиқ этишни эътиборга олиб, реал тарзда белгиланиши лозим.

Шундан кейин депутат С. С. Бўзруқўжаев Тошкент шаҳарининг 1989 йилги бюджет лойиҳаси тўғрисида ва Тошкент шаҳри бюджетининг ижроси ҳақида доклад қилди.

1989 йилги бюджетнинг тақдим қилинаётган лойиҳаси Тошкент шаҳар Советининг план-бюджет ва бошқа доимий комиссияларда бўлимлар, бошқармаларнинг, район ижроия комитетларининг иштирокида атрофлича муҳофаза этилиб ҳамда улар билдирилган хулоса ва тақдирлар бюджетнинг тегишли бўлинмаларида ўз ифодасини топди.

Ҳозирги вақтда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотга молияга асосий роль ажратилган бўлиб, у камроқ сарф-харажатлар билан юксак пировард натижаларни таъминлаш лозим.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришни интенсификаш чоралари қўрилмоқда, аммо даромадларнинг ўсиши етарли эмас ва ортиб бораётган талаб аҳтиёжлардан орада қолмоқда.

1988 йилда фойдаланган тўловлар плани, оғрот солиғи ва бошқа даромадлардан олинмаган солиқлар плани анча ошириб бажарилишига қарамай, айрим корхоналар қабул қилган ишлаб чиқариш қўрсаткичларини адо этмаганликлари оқибатида шаҳар бюджетни анчагина маблағдан маҳрум бўлди.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 20 та корхона халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш планини (24,5 миллион сўмлик) бажармади. «Қизил тонг» тикучилик ишлаб чиқариш бирлашмаси (4,9 миллион сўмлик), тўқимачилик комбинати (11,7 миллион сўмлик) мана шу молларнинг энг кўп қисмини ишлаб чиқармади.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, ҳозирги вақтда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш пул муомаласини соғломлаштиришни таъминлашда ва пуллинг қадрсизланиш жараёналарини тугатишда асосий омил ҳисобланади.

Эндиликда саноат корхоналари жами 1 миллион 813 миллион сўмлик халқ истеъмол молларини ишлаб чиқармоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, шаҳардаги савдо корхоналари 70 миллион сўмликдан кўп товарни қоплай олмайпти. Бу эса товар оборот планини, касса планини бажаришга салбий таъсир қилмоқда, нақд пул обороти тўхтаб қолишига олиб келади. 1988 йилнинг 1 ноябригача аҳолининг омонат банкларидаги омонатлари 1 миллион 620 миллион 303 минг сўмни ташкил этиб, бунинг учун давлат ҳар йили омонатларга процентлар тариқасида 35 миллион сўм тўлаб келмоқда. Бундай аҳвол пуллинг қадрсизланиш жараёналарини келтириб чиқармоқда.

Бир қанча саноат корхоналари ўз ишлаб чиқариш қўрсаткичларини юқори нархлардаги товарларни ишлаб чиқариш ҳисобига бажармоқда, шундай товарлар ялли товар ҳажмининг тўртдан бир қисмини ташкил этади. Меҳнат коллективларининг фаровонлиги кўп жиҳатдан фойда микдорига боғлиқ, аммо нархларни ошириш, арзон махсулот турларини қайтариш йўли билан фойда олиш—социал жиҳатдан номанбул усуллар.

Корхоналар ва ташкилотлар аҳолига кўрсатаётган пулли хизматларни кенгайтириш борасидаги ишлар қониқарсиздир. Масалан, 1988 йилнинг ўн ойи ичида аҳолига пулли хизматлар қўрсатиш плани умуман 91,2 процент бажарилди ёки аҳолига 46,1 миллион сўмлик кам хизмат қўрсатилибди. Бу соҳадagi ишлар Ленин районда айниқса қониқарсиздир. Бу районда 6,8 миллион сўмлик кам хизмат қўрсатишдан, шунингдек, Чилонзор районда (6,1 миллион сўмлик) ва Фрунзе районда (4,5 миллион сўмлик кам хизмат қўрсатилган) ишларнинг аҳоли жуда қониқарсиздир.

Умуман шаҳар бўйича фойда олиш плани 108,3 процент бажарилишига қарамай, 22 та саноат корхонаси ва 12 та пудрат ташкилотини 1988 йилнинг тўққиз ойи мобайнида планларнинг бажарилишини таъминламади. Ваҳоланки, план хўжалик фаолияти натижаларига баҳо беришнинг беш мезонидир.

Шаҳарда молиявий соғломлаштириш программаси ишлаб чиқилган, 1988 йилнинг 9 ойи ичида ана шу программалда кўзда тутилган бир қанча тадбирларни амалга ошириш пировард натижаларга баракани таъсир қилди. Чунинчи, 1988 йилнинг 9 ойи ичида зарар қўриш планда кўзда тутилган корхоналарнинг олтидаси қамайди, 74 та корхонада зарар 5,5 миллион сўмлик озади, фойда олиш планларининг бажарилишини таъминламаётган корхоналар сонни қамайди, товар-моддий бойликларнинг нормативдан ортиқча запасларидан 93,1 миллион сўмлик хўжалик оборотида жалб этилди, дебиторлик қарзи 60,6 миллион сўмлик қисқарди.

Аммо Октябрь, Ленин ва Киров районларида бундай иш қониқарсиз ўтказилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси районлар бюджетининг даромад қисми бажарилишига, шунингдек, ўз даромад базасини ривожлантиришга салбий таъсир қилмоқда.

Масалан, 1988 йилнинг ўн ойи мобайнида Куйбишев районда бюджетнинг 1,2 миллион сўми, Ҳамаз районда 3,5 миллион сўми, Фрунзе районда 1,5 миллион сўми олинмай қолди.

Мана шу фойдаланилмаётган резервлар мавжуд бўлгани ҳолда район ижроия комитетлари қўшимча қўшимча маблағлар ажратиш тўғрисида хатлар юбориб юрмоқда.

Ишлаб чиқариш ва социал ривожланиш учун маблағларни ҳисобига пул билан таъминлаш учун Советларнинг иқтисодий манфаатдорлиги ва масъулиятини оширишга қаратилган йўл ўтказилаётганлиги 1989 йилги бюджетнинг ҳусусиятлари ҳам таъсир қилди. 1989 йилги бюджет лойиҳаси даромадлар ва харажатлар бўйича 572222 минг сўм микдорига ёки 1988 йилги шаҳар бюджетидан 43,5 миллион сўм ортиқ қилиб тақдим этилмоқда.

Бюджет ресурсларининг 80 процентдан кўпроги социалистик хўжалик юретишдан олинмаётган тушумлар ҳиссасига тўғри келади. Бюджет даромад базасининг барқарорлигига эришиш талаб даражада оборот солиғи планининг бажарилишига боғлиқ. Бу манба бюджетнинг умумий ҳажмида 58 процентдан кўпрогини ташкил этади ва 333 миллион 267 минг сўм микдорига белгиланган ёки шу йилнинг оборот солиғи тушумлари планидан 30 процент ортиқдир.

Корхоналарнинг норматив методга ўтказилишини, шунингдек моддий ишлаб чиқариш соҳаси даромад базасининг асосий манбаи

эканлигини эътиборга олиб, 1989 йилги бюджет лойиҳасида фойдадан тўловларнинг роли анча оширилган.

Бундай тўловлар 136 миллион 777 минг сўм микдорига белгиланган ва бюджетнинг умумий ҳажмида 23,7 процентини ташкил этади.

Шуни қайд этиш керакки, 1989 йилда иттифоқ қарамонидagi 52 та корхона ва республика қарамонидagi 30 та корхона маҳаллий бюджет билан ўзаро мубоасабатларда бўлади. Ўзини нормативларга мувофиқ ўз фойдасининг бир қисмини, 52 миллион 251 минг сўм маблағларни шаҳар бюджетни даромадларига ўтказди.

Айниқса ҳозирги шaroитда, даромадлар билан харажатларни мувофиқлаштириб бориш учун, молия базасини мустаҳкамлаш, қўшимча даромад манбаларини қидириб топш масалаларини ҳал этишни биринчи ўринга қўйиш зарур.

Гап шу ҳақда бораяптики, 1989 йилги бюджет даромад қисмининг лойиҳасида молиявий соғломлаштириш ва халқ хўжалигини мавжуд ички хўжалик резервларини хўжалик оборотида жалб этиш ҳисобига 28,1 миллион сўм микдорига қўшимча молиявий ресурсларни сафарбар қилиш кўзда тутилган. Совет ва хўжалик органларининг биргаликдаги харажатлари натижасидagi шунга эришиш мумкин ва лозим.

Бюджет лойиҳасида аҳолидан олинмаган давлат солиқлари 46 миллион 925 минг сўм микдорига кўзда тутилган, шу йилги пландан 8 процент ортиқ даромадларнинг умумий микдоридagi салмоғи эса 8,2 процентини ташкил этади.

1989 йилги бюджетнинг социал йўналишини шу нарса ҳам қўрсатиб турибдики, бюджет маблағларининг 61 процентдан кўпроги халқ фаровонлигининг энг муҳим проблемаларини ҳал этиш билан боғлиқ харажатларни қоплашга сарфланади.

Уй-жойларни, ободончилик объектларини сақлаш ва ремонт қилишга сарфланадиган харажатлар 46 миллион 657 минг сўм микдорига кўзда тутилмоқда. 1989 йилги капитал маблағларнинг умумий ҳажми 253240 миллион сўм микдорига мўлжалланмоқда. Капитал маблағлар умумий ҳажмининг 72 процентдан кўпроги бюджет маблағлари ҳисобидан пул билан таъминланади ва 177 миллион 712 минг сўмни ташкил этади. Қолган қисми хўжалик сўмини ташкил этади, яъни амортизация ажратилган ҳамда пайчлик асосида қатнашиш маблағлари ҳисобидан—46 миллион 490 минг сўмлик микдорига ички хўжалик ресурсларини сафарбар этиш ҳисобидан 12 миллион 666 минг сўм микдорига қопланади.

Бюджет лойиҳасида социал-маданий тадбирларни пул билан таъминлашга биринчи даражадаги аҳамият берилмоқда. Шу йилга нисбатан мазкур мақсадларга ажратилаётган маблағлар ҳажми 48 миллион 513 минг сўм микдорига қўйилганлиги кўзда тутилмоқда ва қўйидагиларга сарфланади:

	минг сўм	Ўсиш (процент ҳисобда)
1989 йил	1988 йил	
Халқ таълими	209886	189014 111,1
Соғлиқни сақлаш		
ва физкультура	149501	126377 118,3
Социал таъминот	13809	9074 152,2

Социал-маданий тадбирларга харажатларнинг қўйилтирилиши халқ таъминининг моддий базасини мустаҳкамлаш, медицина хизмати ва пенсия таъминотини яхшилаш борасидаги тадбирларни ривожлантириш давом этаётганлига асосланади.

Шаҳар районлари бюджетни даромадлари ва харажатларининг умумий ҳажми 320 миллион 25 минг сўм микдорига белгилангандир. У шу йилги ҳажмдан 78 миллион 811 минг сўмлик ортиқдир. Районлар бюджетининг салмоғи шу йилга нисбатан шаҳар бюджетининг умумий ҳажмидан 10,3 процент қўйида ва районлар мўйёсида қўйидаги микдорларни ташкил этади:

Ақмал Иқромов райони	— 32512
Киров райони	— 44105
Куйбишев райони	— 44217
Ленин райони	— 21734
Октябрь райони	— 35342
Собир Раҳимов райони	— 45816
Сергели райони	— 16813
Фрунзе райони	— 19502
Ҳамза райони	— 28267
Чилонзор райони	— 31717

Илчи ожада

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИ ЖАМОАТЧИЛИК РЕДАКЦИЯСИНИНГ ОЙЛИК НАШРИ

№ 11 1988 ЙИЛ НОЯБРЬ

Пойтахтда бугун фикру ўйимиз!

МОСКВАДА ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ НАВБАТДАН
ТАШҚАРИ ЎН ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ.

Коллективлардаги баҳслар, ўзаро фикр алмашувлар, тавсия ва таклифлар юзасидан мунозаралар бир ой давомида одамлар мулоқотининг бош мавзусига айланиб қолди. СССР Конституциясига ўзгаришлар киритиш ҳамда халқ депутатларини сайлаш тўғрисидаги СССР Қонунларининг лойиҳалари муҳофазаси жараёнида 100 мингдан зиёд таклифлар ўртага ташланганлигининг ўзи демократия янги оқимининг халқимиз кундалик ҳаётига нақадар тез сингиб бораётганлигидан далolat беради. Бугун Москвада ана шу жараёнинг дастлабки босқичига яқин ясалди. Ҳаммининг диққат-эътибори ҳозир пойтахтга қаратилган. Мухбиримиз Абдулла Нуримов жойларда бўлиб республика пойтахти меҳнаткашлари вакиллариининг дил сўзларини қозоғга тушириб қайтди.

Жанговарликка даъват

Мадамин ЕДГОРОВ,
Тошкент Давлат университети иқтисод кафедрасининг ўқитувчиси.

Хар қандай ўзгаришни ёшлар айниқса тез илғаб олишади. Шу жиҳатдан қараганда студентларимизни сўнгги йилларда мамлакатимизда рўй бераётган туб бурилишларни ҳис қилишнинг ажойиб барометрлари дейиш мумкин. Улар демократиялаш жараёнидаги буюк ўзгаришларни Иттифоқимиз тарихида Октябрь инқилобидан кейинги яна битта мислсиз революция деб баҳоламоқдалар.

Дарҳақиқат, доҳий Ленин вафотидан кейин социалистик бошқарув нормалари бузилган, ҳокимият яқна шахслар қўлига ўтиб қолган эди. Оқибатда — репрессиялар кучайди. Ватанимизнинг революцияни амалга оширишда жасорат кўрсатган, социализмни шига садоқатли юзлаб фарзандлари ўз жонларидан жудо бўлдилар. Халқ дахшадли таъзиқ остида онгсиз икромичга айланиб қолди. Ташаббус ва актив фаолият су-сайди.

Худди ана шунинг учун ҳам қайта қуриш, демократия ва ошкоралик процессини амалга ошириш социалистик жамиятимиз бекисе имкониятларини аста-секин юзга чиқара бошлади.

Давлат олий органининг анжуманида ҳуқуқий давлатни вужудга келтириш билан боғлиқ энг муҳим масалалар кўриб чиқилмоқда. Олий Совет ҳар бир депутатининг нутқи жанговарликка даъваткор шюор каби жарангламоқда. Эндиликда инсон олий насаб шахсига эмас, ҳамма учун тепша-тенг бўлган қонунгагина тобедир.

Демократия давом этади

Тўхтамурод РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Агрегат заводи партия комитети секретариининг ўринбосари.

Партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари, Совет давлатининг раҳбари М. С. Горбачев Орёл области қишлоқ ҳўжалик ва чорвачилик хошимлари ҳузурига ўтказган суҳбатларининг бирини қайта қуриш қисқа муддатли жараён эмас, биз демократияни босқичма-босқич давом эттирамиз, деди.

Чиндан ҳам ярим аср давомида тургун ҳолатида бўлган СССР Иттифоқидек буюк мамлакатни демократия негизда қайта қуриш осон иш эмас. Аввало, биз кишиларнинг ўзини демократияга ўргатишимиз, улар тафаккурларида кўркўрона тобеллик каби иллатларни парчалаб, онгли ва актив фаолиятга қайтаришимиз лозим. Менинг тушунишимча, партиямиз муҳим бир мақсадни қўзалапти: инсон ўз эркини ўзи эга бўлиши, давлат халқиники, демек у ҳуқуқ мажмуалари доирасида социалистик жамиятнинг барча тенгқур аъзоларига баббаравар ва сидқидилдан хизмат

қилсин, инсон манфаатларини муҳофаза этсин. Биз яхши биламизки, ҳатто юқори синфга хизмат қилувчи гарб демократияси ҳам неча юз йиллар давомида шаклланди, камол топди ва ниҳоят ҳўкмдорликнинг яхлит машинаси тарзида ҳаракатга келди. Социализм эса атғи етмиш йиллик умрга эга.

Ҳа, демократиялаш жараёни энди бошланди, ҳали у давом этади.

Адолатга мустақиллик

Неъмат РАҲМАТОВ,
Ўзбекистон ССР адвокатлар коллегиясининг аъзоси.

Давлатимиз олий органи бугун муҳофама қилаётган Қонунлар лойиҳалари ҳаётда ўз амалий ифодасини топгач, биз — судлов органлари ходимлари учун, айниқса жуда катта аҳамият кашф этади. Лойиҳада қайд этилган қўйидаги сатрларни бир неча марта ўқиб чиққанман: «Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг одил судловни амалга ошириш соҳасидаги фаолиятига бирон бир тарзда аралашинишга йўл қўйилмайди». Агар сессияда 155-модда шу таҳдидда қабул қилинса, ҳа-нузгача суд процессига бўлар-бўлмаста тумшугини тикаверадиган кимсалар учун жуда катта зарба бўлур эди.

Мен узоқ вақтлардан буён судлов ишларида иштирок этиб келаяпман. Собиқ Жинзаҳ областидаги бир воқеа ҳамон эсимда турибди: суд процесси кетарди. Бир маҳал судирини партия органи раҳбарларидан бири қақриб қолди. Танаффус эълон қилинди. Аммо танаффус уч кунгача қўзилиб кетди. Кейин билсан, раҳбар судьядан айбдорга бериладиган жазони юмшатишни талаб қилиб туриб олибди, акс ҳолда унга партиявий жазо бериш билан қўрқитибди. Оқибатда суд раиси «иш»ни бошқа бировга ўтказиб у ердан кўчиб кетишга мажбур бўлган.

Менинг тажрибамда бу хилдаги ҳуноқ воқеалар жуда кўп бўлган. Ижроом раислари, ҳатто ҳўналикларнинг баъзи пулдор раҳбарлари ҳам судловга ҳаминша таъсир ўтказиб келишган.

Суд-адолат ҳўмийси, бошқачароқ қилиб айтганда ҳақиқатнинг суд аъзолари тимсолида мўнас-самлашган яхлит кўринишидир. Адолат эса мустақил бўлгандагина эғилмайди ҳам, синмайди ҳам.


Муқаддима

Абдуғани ТАСХўЖАЕВ,
Охунбобоев номидаги медицина билим юрти директорининг ўринбосари.

Москвада ўз ишини бошлаган СССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўн иккинчи сессиясини баралла овоз билан ҳўқуқий давлатни вужудга келтириш негизида социалистик демократияни амалга оширишнинг муқаддимаси, дейиш мумкин. Бизнинг мамлакатимиз кўп миллатли давлат. Қардош республикалар иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, ҳатто энг кичик халқнинг ҳам буюк қардошлик оиласида социализм яратиб берган ўз тенг ҳўқуқидилдан фойдаланиши учун бутун шароитларни муҳай қилиш йўлидаги партиямиз бошлаб берган мардонавор кураш муваффақиятли якунланишига аминман.

Маъмулий, революциянинг дастлабки кўнларидеяқ В. И. Ленин ўзини чинакам эркин ҳис қилган инсонгина мислсиз бунёдкорлик ишларига қодирдир, дея таъкидлаган эди. Қайта қуриш бошланганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Демократия ва ошкоралик туфайли мамлакатимизда шундай кўтаринки бир руҳ пайдо бўлдики, оқибатда кишилардаги гайрат ва ташаббус ҳўзининг ўзидаеқ нимааларга қодир эканлигини намоёнш эти бошлади. Бунни биргина ўқув даргоҳларида амалга оширилатган тадбирлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Сўнгги икки йилнинг ўзида ўқиш-ўқитиш савияси кескин яхшиланди.

Ҳа, ҳўқуқий давлат жамиятимиз куч-қудратини, барқарор дўстлигимизни янада мустақамлашга имонимиз комил.



СУРАТДА: Москва. Кремль.
Р. Шарипов фотоси.

Раҳбар хислати

Камтарга камол

Ўз касб-кориға юракдан меҳр қўйиб, уни ардоқлаган кишиға обрў-эътиборнинг ўз келаверади. Бунинг учун одамлар кўнглини топиш, уларнинг ҳўжатиини чиқариш, янада яхшироқ хизмат қилиш ҳис-туйғуси билан яшамок керак.

Манноп акани ишчи бўлиш, оддий эмас, фидокор ишчи бўлиш орузи 1955 йилда Бешёғочдаги кўн-галантерей буюмлари фабрикасининг бичув цехига етаклаб келди. Изранл Михайлович Асрия унга устолик қилади.

— Уелим, — деди у, — шомай тур, ҳали сендан ажойиб ишчи чиқади. Ману қўрасан. Ҳа, усто тилаги орузга қанот бағишлади. Манноп ўзининг тиниб-тинчимаслиги, гайрат-шижоати билан ўз касбининг барча сир-асрорларини билиб олди. Шогирдликдан ишчи, мастер... 1981 йилдан бошлаб черм-галантерей ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бичув цехига бошлиқ даражасигача кўтарилди.

Бултурғи йил бошида бирлашмада давлат қабўлиға ўтиди. Бу масъулиятли тед-бирга коллектив ҳар томонлама ҳўзирлик кўргани бугунги кунда яхши самара бермоқда. Шу ўтган вақт мобайнида 2,5 баравар кўп фойда олинди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатли бўлиши, фасоннинг янглиги, хом ашё—тери ёки сунъий терининг ҳўшранглиги талабага лойиқ буюмлар тайёрлашининг биринчи шартидир. Махсулотларнинг янада ҳеридоргир бўлиши асосан Манноп ака

бошқараётган бичув цехи ишчиларига кўпроқ боғлиқ. Цехда 136 ишчи 7 та бригадага уюшиб ишлайди. Планини мўтасил 100 процентдан ошириб бажаришади. Айниқса Дина Заварилина бошлиқ бригада ишчилари ҳаминша бошқаларга ўрнак бўлиб келишмоқда. Бирлашмада ҳар йили қарийб 80 фоз маҳсулотнинг ассортименти янгиланади. Натжиада бичув цехи ишчиларининг ўз вазифасига масъулиятини кучайиб боради. Цех бошлиғи шогирдларидан катта мастер Алишер Файзиев, кабинет парторги Ҳабибулла Қўрабоев, пойафзал цехининг бошлиғи Адхам Қодиров, КПСС аъзоси, бичувчи Клара Рустамовалар фидокорона меҳнатлари билан барчага ўрнак бўлмоқдалар.

Манноп ака ҳақида бирлашманин бош директори С. Саиджаримов биз билан суҳбатда қўйидагиларни айтди: — Тўғри сўз, дили пок, меҳнаткаш инсон. Одамларга нисбатан ишончи кучли, шогирдларига меҳрибон, ғам-хўр, талабчан. Мен ҳам Манноп акани ўзимнинг биринчи устоим деб ҳисоблайман. Энг муҳими ниҳоятда камтар киши...

Ҳа, ҳақиқатан ҳам бирлашмада Манноп Фаттоҳов номини катта-ю-кички севиб тилға олади. Зеро, камтарлик аслида раҳбарға хос энг асосий хислатлардан биридир. **Дина ЗОКИРОВА.**

ОКТАБР колхоз бозорининг кооператив таъмирлаш растаси. Келбатли, мўлқовдор бир йилги қўлдан битта сома ушлаганга ўтган-кетганлар оғзига тиквор-гудай талпинди:

— Ахакон, адашманг қўй гўштли сома.
— Опажон, мана бунни кўринг, оғзингизда эрийди.
— Отажон, чайнамай ютасиз, турган битгани гўшту ёғ.

— Обор сомсангми, — деди қария жеркиб, — орийтинг борми! Савлатингдан от ҳурқадию, толган гапингни қара. Заводга бориб ишласанг бўлмайди!

Кооператив сомсапаз йилнинг орсизларига қилаётган ишга нисбатан айтган қариянинг сўзини маъзур маколани ўқитган, зинтиган кишиларнинг кўпчилиги маъқуллаша ажаб эмас.

Яқинда шахримиздаги саноат корхоналарида ўзбек ишчиларининг салмоғини билиш мақсадида икки заводнинг кадрлар состави билан танишиб чиқдим. Шахримиз аҳолисининг миллий составига нисбатан олинса, саноат корхоналарида ишчи-хизматчининг қарийб ярми маҳаллий миллият вакиллари бўлиши керак. Биз аҳолининг территориал жойлашувини ҳисобга олиб икки корхонани танладик. С. Раҳимов районидagi «Компрессор» заводи ва Ҳамза районидagi «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси. Ўзбек оилалари нисбатан кўп истиқомат қиладиган районда жойлашган «Компрессор» заводида бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган ишчилар жами 850 та бўлиб, шулардан ўзбек ишчилари 300 тага ҳам етмайди. Уларнинг асосий қисми кўп йиллиқ меҳнат стажига эга. Ёш ишчилар сонини эса кам.

«Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида 7,5 минг нафар ишчи-хизматчи меҳнат қиладди. Шулардан атиги 21 процентини ўзбеклар ташкил этади. Албатта, бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ кишилар ҳам шу ҳисобда.

Шу ерда ҳақли савол туғилади: шахримиздаги ўрта ҳунар-техника билим юрталарида таълим олиб, маалакии ишчи гувоҳнома-сига эга бўлган ўқувчилар қайқа кетяпти? «Компрессор» ва агрегат заводлари остидаги 25-ўрта ҳунар-техника билим юртини ҳар йили ўртача 120—130 нафар йилги тугаллайди. Шуларнинг 90 процентини ўзбек болалари ташкил қиладди. Билим юрти айнан ана шу корхоналар учун ишчилар тайёрлайди. Лекин заводалар эҳтиёжга яраша ишчининг «огориниб» қабул қиладди. Сабоби, ўқиниш битигон йиллардан айни армия сафига қақириладиган ёшда бўлади. Шунинг учун ҳам заводалар ёшларни барибир 2—3 ойдан сўнг ҳарбий хизматга кетади, кейин қайтиб келмайди, деган бир қилма ҳаёл билан «сераб» қабул қилишади. Бироқ афсуски, ёш кадрга оиладаги янги фарзанддек муомалада бўлиб, унга касбининг нозик сирларини ўргатиб, тантанали равишда ҳарбий хизматга кузатиб, иссиқ меҳр билан кутиб олишни унуттишади. Бепарволик, эътиборсизлик, ишончсизлик билан қараш мустиқил ҳаётга энди қадам қўйган ўқувчида ёмон таъсирот қолдиради, ҳарбий хизматдан кейин бошқа иш излашга мажбур этади.

Билим юртидаги таълим-

тарбия ҳамон эски услубда қолаётганини, мактаб илсоти фақат оғиздан оғизга кўчиб юрганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. 25-ўрта ҳунар-техника билим юртининг биноси 450 нафар ўқувчига мўлжалланган. Ҳозирги кунда 800 га яқин ўқувчи билим оляпти. Шуларнинг ҳаммаси ўз хоҳиши билан ҳунар ўргангани келган десак хато бўлади. Ҳанузгача мактабдан зўрлаб билим юртига жойлаштириш давом этапти. Натижада ўша касбга қизиқмайдиган, билими паст ўқувчилар ҳунар билим юртига келиб қолади. Бир амаллаб ўрта маълумот ва бирор касбини эгаллаб заводга борган йилги корхонадаги ишга, юмушларнинг оғир-енглиги кўнкорламай қоляпти.

Мушоҳада учун мавзу

Ишчилар сафида бўл, ўзбегим!

— Пойтахт саноат корхоналарида миллий ишчилар сонини неча кам? — Яқинда мухбиримиз ана шу савол билан шахримиздаги йилги «Компрессор» заводи партия комитетининг секретари Зокиржон ЮСУПОВА мурожаат қилди. Ўйлаймизки, бу масала кўпчилик газетхоналаримизни ҳам қизиқтирса ажаб эмас.

Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш жаҳалларида ёш ишчиларнинг, хусусан ўзбек ишчиларининг жуда секин кўпаяётганлигига сабаб бўляпти.

Савдо ва умумий омаклатиш корхоналаридаги ўзбек йилгиларининг салмоғи маълум. Айниқса, кооператив сомсапаз, кабобпазларнинг асосий қисмининг ажукудидан ғайрат, билагидан куч ёғилиб турган йилгилар эгаллаган. Олдига беш-олти хил ширинликлар қўйиб, ким оларкин деб термўлик ўтирган, қўлида қорғоза ўроғлиқ гўшт кўтариб ким ўтса ўшанга тиланчикдек ялинчи орқасидан югураётган йилгиларини кўриб гижиниб кетасан киши. Наҳотки, улар йилгитлик ғўрур, орийат, аждон деган инсонийликнинг улғу ҳислатларидан юз ўғиринган бўлса!

Ўқувчиларни, ўқимларни ишчилар сафига тортиш борасидаги агитация ва пропаганда ишларини ҳам яхши деб бўлмайди. Ишчи деганда кўпчилигининг кўз олдига кийимлари, қўллари қорамойга беланган, станок олдида мунғиб турган киши келади. Матбуот, телевидение ва радиода ишчилар синфининг ҳаётини ёри-

тишга кенг ўрин берилиши керак. Токи кўз ўнгимизда ишчи деганда умумманфаат йўлида ишлаб, ҳалол меҳнати билан фаровон турмуш кечирётган, эл-юрт тинчлиги, оёсийшталиги учун курашаётган ҳазрати инсонининг ҳақиқий қиёфаси акс этсин.

Шахримизда турли хил кўргазмалар ташкил этилади. Шу ўринда заводлардаги токар, фрезерчиларнинг ишларини ҳам намойиш этиш керак. Қалб қўрини тўкиб тайёрланган чиройли, фигурали деталлар қайси санъат асаридан кам? Кўргазмани мактаб, билим юртиларидега эмас, кишилар энг ғажам хибонларда ташкил қилиш, ишчининг ҳаёти, иш фаолияти, корхона ҳақида маълумотлар бериб, кишиларни заводларга жалб қилиш лозим.

Ойла — фарзанд вояга етиб, мустиқил ҳаёт йўлини танлашда асосий ўрин эгаллайдиган энг биринчи қошона. Бизни ота-оналар фарзандини ҳаммадан яхши, бекаму кўст яшашини, истаб ноҳўя ишларга бошлаб қўядилар. Сир эмас, кўпчилик ўзбек хонадонларида маҳалладаги илгор ишчиларнинг ҳалол меҳнати орқали кечирётган турмушга эмас, енгил-елпи иш билан мўлақат даромад олаётган, эгрлик йўли билан дағиллама участка қўриб, қўша-қўша машина олаётган кишиларга нисбат берилади. Бу иллат туфайли ишларимизда ўша «ҳаётга» интилиш бошланади.

Ҳозирги кунда Чигатой дарвозаси даҳаси кооператив кабобпазларнинг маконига айланган. Бизни хонадонларга бехосдан борган киши тўй бўляптими, деб гумон қиладди. Хонадонларнинг бирида бўлди. Икки манзарани кўзларингиз ошхонада 111-мактаб ўқувчилари Шерзод ва Дилшод исмли болалар сизга кабоб тортарди. Суриштирсак, ҳар бир сиз учун хонадон эгаси, яъни отаси болаларга беш тийиндан пул беради. Ҳали ҳаёт ҳақида гўдак тасаввурини ёш болаларнинг пулга ўрганиши кейинчалик нимага олиб боришини ота-она ўйлаганими? Еки шу икки бола улғийиб вояга етганда заводда станок олдида ишлаб, маошга қаноат қиладди, деб ким қаролта беради!

Республикамиз, хусусан ўзбек пахтакорлари ўзларининг шарафли номилариди дегин юмқокдлар. Бу йилги «оқ олтин» хирмони пахтакорларнинг баракали меҳнати, соф виждонини яна бир бор исботлади. Эндилкида саноат корхоналарида ўзбек ишчиларининг салмоғини кўпайтириш вақти етди. Қайта қуриш, янгиланиш жараёни давом этаётган ҳозирги пайтда саноатини ривожлантириш, ишлаб чиқариш маҳсулдорлигини ошириш ривожланишининг асосини белгилаяпти. Бу борада ўзбек ишчиларининг поли қатнаш бўлиши керак. Токи ўзбек халқи дунёга уста пахтакор, болгон, сабзавоткоргина эмас, илгор саноатчи сифатида ҳам дон тарватсин. Шу фикрларимизга қўшиб, муҳтарам газетхон!

Сухбатни

Садриддин ШАМСИДИНОВ
ёзиб олди.



Эдуард Маткаевнинг Абразив комбинатда ишлаётганга кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин у қисқа муддат ичида ойлани планларини ҳамма ортиги билан адо этиб, ҳаммасларига ўрнатди бўлмоқда.

СУРАТДА: Э. Маткаев.

Р. Шарипов фотоси.

Хушхабарлар

Планга қўшимча

Чилонзор районидаги «Алгоритм-2» массивида 32 квартирали яна бир турар жой биносига сантехника жиҳозлари ўрнатиш ишлари ниҳоясига етказилди.

Бу ишларни «Ташсантехмонтаж» трестига қарашли 4-монтаж бошқармасининг Э. Нейверт бошлиқ монтажчилари амалга оширдилар. Бу ерда бажарилган ишларнинг ялпи ҳажми 18 минг сўмликни ташкил этади.

Бир тан, бир жон бўлиб фидокорона ишлаётган азаматлар ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йили тошйириқларини муддатидан олдин яқуладилар.

Улар иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан самарали фойдаланиш ҳисобига йил охиригача планга қўшимча 4 минг 800 сўмлик иш бажаришга аҳд қилишди.

Абдурахмон ТОЙИРОВ,
2-ўйсозлик комбинатининг дурадгори.

Ноҳуш хабарлар

Қанотим бўлса қошки...

Баъзан осмонга тикилиб, жанубга учиб кетаётган қўшларга ҳавасим келади: қандай яхши, исинг ўлкаларда қишлаб қайтишади. Қани энди менинг ҳам қанотим бўлса. Э, йўге, ёш этмишни қоралаб қолган кампир энди учиб қайқа борарди?

Хуллас, учай десам — қанотим йўқ, қолай десам — ҳар йилгидек бу йил ҳам қишда дийдираб чиқидан қўйилман. Негаки, биз истиқомат қиладиган биного мана 25 йилдан буён уста қўли теккан эмас. Девоқлар қўчиб, иситиш тармоқлари чириб кетган. Ванна қувурларидан сув оқиб ётибди. Ҳалитдан совуқ ҳаммани кўрпа остига қувлади.

40-ЖЗУга телефон қилувдим, кутинг, борамиз, дейишди. Мана, икки ҳафтадан буён кутиб ётибман. Кексаман, кутмай иложим қанча!

Клавдия ЗАНЬКО,

Кочубей кўчасидаги 2-ўйда яшовчи меҳнат ветерани.

Текинхўр автоматлар

Навоий кўчасининг ўрдадан Хадрагача бўлган қисмида ўндан ортиқ автомат-телефонлар бор. Дугонимга телефон қилиш учун ана шу масофани ярим соатда босиб ўтиб, атиги иккинчигина автомат ишлаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Қарангки, баъзилари икки тийинингизни «луғ» этиб ютиб, текинхўр аппаратларни муштлаб кетасиз.

Уста Ширин, Усмон Юсупов кўчаларидаги автомат-телефонларнинг баъзиларида трубка йўқ. Инкилоб хибонга атрофдаги автоматларда дискалар юлқу ёки синиб ётибди.

Баъзи шахарларда тумгача (кнопка)ли телефонларни кўриб ҳавасингиз келади. Бизда лоқалб эскиларини ҳам тузатишни ўйлашмайди. Хўш, қачонгача?

Барно ҒАНИЕВА,

1-клиник касалхонасининг медицина ҳамшираси.

Савол-жавоб

Марҳамат, сўрайверинг...

Ш. АБДУЛЛАЕВА: Мен 1942—43 ўқув йилидан бошлаб қишлоқ мактабда, яъни Самарқанд области Каттақўрғон райони Энгельс номили колхозда ўқитувчи бўлиб ишлаган эдим. 1973 йилдан қарилни пенсиясини ола бошладим. Шу билан бирга 0,5 тангача мактабда ишчи давом эттиришман. Бироқ 1985—1988 йилни Сиз 1000 сўм ортинча олибсиз, деб пенсияни тўхтатиб пулни қайтаришга сўрашампти. Билишимча, пенсия пули билан ишлаётган ойлани пулим 150 сўмдан ошиб кетгани учун шундай талаб қўйишампти. Шу тўғрисида?

Жавоб: СССР Министрлар Советининг 1979 йил 11 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган рўйхатда кўрсатилганча қишлоқ юрларидидаги умумтаълим мактаб-

ларининг (шу жумладан, қишлоқ ёшлари мактаблари) ўқитувчилари ва қишлоқ жойларидидаги ҳунар-техника ўқув юрталари муаллимлари қариллик пенсиясига чиқиш йили давом эттириётганлари тақдирда пенсия пули тўғрисида, бироқ пенсия билан ойланик иш ҳақи қўшилиб 300 сўмдан ошмаслиги шарт билан тўланади. Хатингизнинг мазмунига кўра пенсия пулигиз билан ойланик иш ҳақингиз қўшилган ҳолда (қишлоқ ўқитувчиси ёки унга тенглатирилган касбда ишлаётганлигиз учун) 300 сўмдан ошмасиз у ҳолда ортинча пул олган деб қайтаришни талаб қилишини тўғри бўлмайди.

В. ПИРИНҚУЛОВ: Мен ёшчин қайта ишлаш комбинатига 1984 йил май ойидан то 1987 йил майи-

гача ишладим. 1987 йил 20 майдан кўчирма (перевод) билан бошдан корхонага ишга ўтдим. Аввалги ишхонада ишлаб юрган пайтларимда 1985 йил май ва 1986 йил май ойларидида меҳнат олтусисига чиқарилман. 1987 йилда эса бошқа жойга ишга ўтганимни сабабли олтусисига чиқа олмадим. Эндилки, да мен 1987 йил ва 1988 йил меҳнат олтусисига чиқмоқчиман. Менга икки йиллик меҳнат олтусиса берилиши мумкинми?

Жавоб: Ўзбекистон ССР Меҳнат қонуни Кодиеси 86-моддасининг 4-бандига буюнқ бир корхона, муассаса, ташкилотдан бошқа корхона, муассаса, ташкилотга кўчирилган ишчи ва хизматқиларга улар кўчирилгандан сўнг 11 ой ишлашмасадонқ олтусиса берилиши мумкин.

Агар кўчирилгандан илгари ҳодим бир корхона, муассаса, ташкилотда 11 ой ишламаган бўлса, у ҳолда олтусиса у кўчирилгандан аввал ва кейин жами бўлиб 11 ой ишлагач берилади. Хатингизнинг мазмунига кўра сиз бундай имтиёздан фойдаланасиз.

К. СУВОНОВА: Мен турар жойимдан унча узойда бўлмаган фабриканинг маъмурияти билан келишиб, аввалги ишимдан бу фабрикага кўчиб ўтиш тўғрисида хат олдим. Ишдан фабрикага ўтиш муносабати билан бўшадим. Бироқ фабрикага ҳужжатларини топширишчи бўлсам надрлар бўлими ҳужжатларни қабул қилмади. Сабоби, бошлиқнинг ўзи менинг ҳо-

миладорлигимни билиб ишга қабул қилмаслигини тўғри деб топиди. Шу тўғрисида?

Жавоб: Йўқ, тўғри эмас. Чунки аёл кишининг ҳомиладорлиги ёки эмизикли болалари борлиги туфайли ишга қабул қилмаслиги учун қонун билан манъабдор шахслар хатто жиний жавобгарлигига тортилиши белгилан қўйилган. (Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 143-моддаси) ва уларга нисбатан олти ойгача озоқлидан маҳрум қилиш ёки 50 тангача жарима солиш ё бўлмаса жамоат назарини бериш билан жалло чораси белгиланиши мумкин. Демак, сиз ишга қабул қилинишингиз керак.

Абдумалик ҲАСАНОВ,
қўқушунос.

ХАММАМИЗ яхши биламиз: ота-боболаримиз дом «Дас-турхонларингдан» файз-баракат кетмасин, хонадонларингдан ҳа-минша тинчлик-тотувлик ари-масин, деб тиллаб билдирадилар. Даровек, тинчлик-тотувлик, ҳуш кайфият умрга умр, қувончга қувонч қўшади. Халқимизда: «Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кетади», «Ховли олма-қўшнни ол», «Ен қўшнни-жон қўшнни», деган нақллар ҳам бор. Буларнинг теран маъносини бир чақиб кўрин-а.

Оила — жамиятимизнинг кичик ячейкаси. Келажикда улғайиб, муваққил йўлга отланадиган фарзандларимиз сиз билан бизнинг қилигимиздан, ҳатти-ҳаракати-миздан андоза олишади, тақлид қилишади. «Онасини қўриб, қи-зини ол», «Отанг фарзанди бўл-ма, одам фарзанди бўл», деган мақоллар бежиз айтилмаганку, ахир!

Уйимиз жанжалнинг уяси бўл-са, синамаган идиш-тавоқ қолма-са, эркакнинг оғзи сўқийдан, хотиннинг лаби қарғашдан бўша-маса, бу хонадонда тарбиялан-ган болалар ақл, ҳушфеъл бў-либ ўсмайдилар, албетта.

Узингизга маълум, қерга бор-сангиз, энг аввало, қўн-қўшн-ларингизни туртиштиришда. Ях-ши қўшн — давлат, ёмон қўш-ни — азоб-уқубат, дейдилар.

Илгари ёйилиб, ҳовли-жойлар-да яшардик. Бир кеса овқат кў-тариб, қўшнимизни йўлаб чи-қардик. Эндичи! Учаскалардан осмонўпар бозорларга кўтарил-ганлигимиз сари меҳр-оқибат-ларимиз ҳам кўтарилиб кетаяптики,

«одамови», ниқиб бўлиб қолма-яптики!

Тавба, илгари бир майзини бў-лишиб ейдиган одамлар энди ён-атрофларда ким яшайпти — ишлари кўч. Лекин, қўшнимиз-нинг боласи эриятимизни хафа қилса, енг шимариб, югуриб чи-қамас. На «хай-хай»дан, на таъна-маломатдан қўрқамиз. Ен қўш-нимизни йўлда бирор безор тўхтатиб, чўнтагини кавласа, ни-

билинадик. Биз 4-Дилхуш проезде, 28-уйда яшаймиз. Маҳалламизда турли миллат вакиллари жуда кўп. Ен қўшним — корейс. Ле-кин, биз миллат сурштирмаймиз, маросимларда, тўй-тантаналарда биргаликда катнашамиз. Қисқаси, ахилмиз. Мана, сиз газетадан келибсиз, очингиз айтмасам бўл-майди. Бир-бирларини турткилаб, фақат ёмон иллатларини қиди-радикан қўшнлар ҳам бор. Бир

ши биламан. Умуман Фарзанд кўрмаган. Кампир вафот этган, бутунлай ёлғиз қолди. Қиш кул-лари сандалга ёнбошлаб хаёл сўради, ёзда маҳалладаги чой-хонада қариялар билан гурун-лашди.

Шу отақонинг узоқ бир қа-риндош олдидан юринг, иссиқ-совуғингиздан хабар олиб тура-ман, деб кўчириб кетди. У ерда бир ҳафта ҳам яшай олмади. Са-

маҳаллалардаги арзимеган нар-сага қирпичоқ бўлиб неча йил-лаб гаплаганмай юрган одамлар ҳам қўнчилигимизга маълум. Де-мак, гап қаватда ёки пастда яшашда эмас, одамлиликда, ки-сопарварликни ардоқлашдир.

Табнат қонун бу: ҳеч ким дунёда боқиб яшайди. Бир-бирларини ёмон кўрадиган, дас-турхон устидан иғво қиладиган одамлар ўтиб кетишади. Фар-зандлар қолади. Ақил-қўшн одам: «Биздан кейин фарзанд-ларимиз маҳалла, қўн-қўшн бил-ан ақил-иноқ яшасин», дейди, уларин шу олоқаноб одатга ўр-гатади.

Партия ва ҳукуматимизнинг ҳам, барча кишиларнинг ҳам ниятлари битта: дунёда баржарор тинчлик бўлсин! Ана шу Тинч-лик, Аҳиллик, ўзаро Дўстлик, Қардошлик, энг аввало, сизу бизнинг ўз оиламиздан бошла-нади.

Азизларим, Тошкент — азия-шаҳар, юзлаб маҳалласи бор. Уларда яшётган кишилар халқ-инизнинг эзгу одавларига, қўн-қўшнчилик тартибларига риоя қилишяптики! Улуғ Тинчликнинг ўз оиламиздан бошланиши учун нималар қилдигу, нималарини амалга оширишга қийалмоқда-миз! Шулар ҳақида фикр-муло-ҳазаларингизни Донубувагизга ёзиб юборсангиз, биргалишиб бафуржа кенгашиб олардик.

Донубувага Абдулла НУРБЕК ва Эсон АЛИ ҳамроҳлик қилиш-ди.

Донубува даврасида

Жанжаллашманг, қўшнлар!

дамаймиз, менга тегмапти-ку, деб ўзимизни юпатамиз. Эртаси-на шу ўғри ўзимизнинг гирибо-нимиздан ўшласа, қиёмат-қойим кўтарамиз, ўртадан меҳр-оқибат кўтарилиди, деймиз.

Энди пастга тушиб, участ-каларда яшайдиган шаҳарликлар-га борайлик-чи! Чилонзордаги Дўмбробод маҳалласида яшай-диган кекса ўқитувчи Йўлдош На-биевдан «Қўн-қўшнчилик де-генда нимами тушунасиз!», деб сўрадик.

— Қўн-қўшнчилиги, энг ав-вало, меҳр-оқибатда, ёмон кўнлар-да бир-бирини суяб, давда бе-ришда, қувончидан қувончда

парча ер учун қўшнсининг бо-шини ёрган бадтарини одамлар тўғрисида ўқиямиз, «Ҳаёт қу-вончлари ва ташвишларида кў-реламиз. Шу яхшим! Ер тала-шамиз, бизга қараб турган фарзандларимизни унутиб қў-ямиз...

Йўлдошбува ҳақ гапларини айтди-лар. Қилдан қийик ахтариб, бир-бирларини юмла талайдиган қўшн хотинлар, қўшнсини кўрдаган гўлдираб ўтиб кетадиган эркак-лар бу қилиқларидан фарзанд-лари хижолат чекишини ёки адоват руҳида тарбияланганла-рини билармиканлар!

Мен Қобилбобо Халломов ах-

бабини сўрасам: «Ўзимнинг ма-ҳаллам яхши экан, сизлардек меҳри-оқибатли қўн-қўшнларни соғиниб келдик», дейди.

Ҳа, ҳаммаша қўн-қўшн асқота-ди. Ёлғиз одам уинб-ўснб кетган эмас. Бир-биримизнинг дарди-мизни енгиллатмасак, қўнғил сў-раб бир-биримизни йўқламасак, энг муҳими — арзимеган нарса-дан жанжал чиқарсам, нисоман, деб бош кўтариб юришга ҳақли-мизми! Лекин аслида ҳаммаси ўзимизга боғлиқ. Қўнқаватли би-юларда яшаб бир-бирларига ҳурмату-эҳтиромни кўз ила қош устида сўқлаб келадиган сон-са-ноқсиз онларини яхши биламан,



Шаҳримиз илм даргоҳларининг чет эл университет ва институтлари билан алоқалари ривожланиб бормоқда. Узаро илмий изла-нишлар, мутахассислар мулоқоти, студентлар қўрилиш отрядлари алмашинуви бундай дўстлик алоқаларини ривожлантириб, ёшлар активлигини ошироқда. Будапешт шаҳри университетиде таълим олаётган бўлажак ар-

хитекторлар диёримиздаги шарқ ва замона-вий ўсудда қўрилган обидлар тарихини ўр-ганиш учун Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларда бўлдилар.

Маъмур НАЗАРОВ,
СУРАТДА: Венгриянинг ёш архитекторлари.
Автор фотоси.

Газетхон: фикр билдирмоқчимиз!

Ҳозир собиқ қўшнимиз «Мен онеман, бешта болам бор» дея айюҳаннос солиб юрган эмши. Ҳўш, уни она деб бўлмайми! Баъзи олақонларим хафа бўлишмасину кўп ҳолларда ажрим айбдор-ларни аёлларнинг ўзларидир.

НОДИРА СОДИҚОВА,
Жиззах Давлат педагогика институтининг студенти.

Тарбия ва меҳр

Мушоҳада қилиб кўриш учун ўртага ташланган ҳар бир мавзу биз, жамоки газете мухлисларини жиддий ўйлашга мажбур қилоқда. Жулладан, сентябрь сонидига «Оналик бахти — фарзандда» сарлавҳали мақолада бола тарбиясида онанинг роли билан боғлиқ жуда муҳим масала кўтарил-ган.

Дарҳақиқат, онанинг юки оғир. Иш. уйда кир ювиш, тошга таёйрлаш, эрга қараш... шулардан вақт ортасини у фарзандлар тарбиясига қўл уради.

Мана, мен — тарбиячиман, болаларни тарбия-лашим мумкин. эмамо уларга оналик меҳрини улашинга қўриб, етмайди. Ваҳоланки, она меҳ-ри билан сингирилган тарбияга умр охиригача дарз кетмайди. Шунинг учун ҳам оналарга уйда фарзанд тарбияси билан жиддий шуғулланишга шараф ва имконият яратиб берилиши керак, де-моқчиман.

Ҳуррият УРИНБОВА.
Акмата Икромов райониданги 531-болалар ботчаси тарбиячиси.

Аччиқ, аммо очик гап

Қарздорлар

Автобуста йўловчилар кўп. Олдинги қаторда ўти-рган икки қиздан бири қалин китобидан кўзини олиб ўр-тоғига:

— Вой, Зулфияга бир сўм беришни унутибман, — деди хижолат чекиб.

Ҳа, бир сўм учун студент қиз хижолатда. Эҳтимол ўр-тоғи муҳтождир.

Негадир шу автобусдаги суҳбат ҳаёлимдан нари кетмади.

Хизмат юзасидан Собир Раҳимов район 3-уй-жой эксплуатацияси бошқарма-сига борганимда шу воқеа эсимга тушди. Бошқарма бухгалтерларидан Ш. Сул-тонхўжаева, М. Алимова ва Ш. Убайдуллаеваларнинг фиғони фалакда. Чунки

улар 5 минг 246 оиланинг 90 процентидан квартира ва коммунал хизматни туфайли тўпланган қарзларни унди-ролмай хуноб. Мана, шу-лардан бири Тошкент Дав-лат университети юридик факультети ўқитувчиси Д. Қўрбоновдир. У Кочубей кўчасидаги 2-уй, 2 ва 3-квартираларда истиқомат қилади, давлатдан 112 сўм қарзини тўлаб қўйишни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Сағбон кўчаси, 248-уй, 6-квартирада яшовчи В. Фи-липпова 741 сўму 64 тийин квартира пулини эсдан чи-қариб қўйибди. Шу уйнинг 9-квартирасида яшаётган Л. Махонская 584 сўм 84 тийин, Кочубей кўчаси, 13-уй, 11-квартирада яшовчи Р. Илсцова 326 сўм, А. Бо-божонов кўчаси 30-уй, 2-квартира эгаси Р. Раҳматов 235 сўм қарздор бўлиб қо-лишган. Шу уйдаги 12-квартира эгаси М. Соипова қарзи 307 сўм 30 тийинга етибди. Ваҳоланки, у квар-тирасини ижарага бериб, ўзи «Марказ—17/18» мас-сивидаги 4-уй, 230-квартирада яшайди. Қизик, ижарачилар-дан квартира ҳақини олиш-ни асло унутмайдиган М. Соипова нега энди дав-лат ҳақини ўз вақтида бер-маяпти?

Ажабланарлиси шундан-ки, айрим бообўр кишилар ҳам квартира ҳақи масала-сига эътиборсиз қараб ке-лишмоқда. Жумладан, «Мар-

каз—17/18» 1-уй, 265-квар-тирада яшовчи Ларз-бўёқ за-води инженери Феруза Маҳ-сумова 534 сўм 88 тийин тўлашни пайсалга солапти. Бу рўйхатни яна давом эттиришимиз мумкин эди, лекин бошқа бир хунук гап қийиб қолди. Мана, эши-тинг-а.

— Биласизми, шаҳримиз-даги айрим шахслар электр энергиясини ўғирламоқда-лар,— деди шаҳар энергия назорати бошқармаси бош-лиги Р. И. Айтиова. — «Тошкент трактор заводи» 4-массивидаги 3-уй, 46-квартирада яшовчи А. И. Звариев қўрилиш-монтаж бошқармасида технолог бў-либ ишлайди. У ўғирлик устида қўлга тушиб, 216 сўм жарима тўлади. Электр энергиясини ўғирлашнинг ҳам йўли кўп экан. Сафёр-ная кўчасидаги 27-уй, 3-корпус, 36-квартирада яшо-вчи Р. Медведева «заземле-ние» йўлини қўлай усул деб топган бўлса, 2-таксо-парк ҳайдовчиси М. Тожи-хўжаев эса электр сўчтиқ пломбасини олиб унинг «тили»ни боғлаб қўйибди. Шунингдек, Юнусовод мас-сивидаги 14-квартал, 55-уй, 30-квартирада истиқомат қилувчи В. Л. Паладин, Нурафшон кўчасидаги 18-уйда яшовчи О. К. Лия, Манжара кўчаси, 2-уй, 6-квартирада турувчи Г. Р. Рябова, С. Лазо кўчасидаги 19-уйда яшовчи Наби Эрга-шев, Испанский кўчаси, 9-уйда турувчи О. И. Кочето-ва, Қизил сув кўчаси, 172-уйда яшовчи милиция ходи-ми Т. У. Холатматовлар ҳам электр энергиясидан фой-даланишда қинғирлик қи-лишмоқда. Агар савдо хо-дими харидорнинг 20 тийин ҳақини уриб қолаётганда қўлга тушса, дарров унинг устидан жиноий иш қўзга-тилади, аммо электр энер-гиясидан қўзғувчилик билан фойдаланиб, давлатга неча юз сўмлаб зарар етқа-зган кўшнлар ўғирларига нис-батан нега энди бирорта жазо кўрилмайди? Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш керак!

Дилмурод ОБЛАЕВ
«Мушоҳада» муҳбири.

1967 йил эди. Телевизорда таниқли туркман адаби Хидир Деревянин «Қисмат» романи асосида телевизион театр намойиш этила бошланди. Бутун маҳалламизда шов-шув: «Бечора, Узужамол, шўрли Узужамол. Гуноҳи нима экан-а? Узи попукдеккина, агар ақирроқда бўлганда келин қилардим». Эсингизга тушгандир, Узужамол сиймосини телеэкранда Гулчеҳра Саъдуллаева яратган эди.

Сал ноўринроғи шу спектаклда Ўзбекистон ССР халқ артисти Карим Хонкелдиев домла ролини ижро этган эди. У касал ётган келинчака қўл узатади... Эртасига «Оталар сўзи—ақлининг кўзи» эшитириши бўлиши керак эди. Кўрсатув бошланди. Отаҳон — Карим Хонкелдиев сўзлай бошлади:

— Қадри оналорлар! отахонлар, асалому алакум... Уйимиздаги қариялар юзларини четга буришди: — Кечаги қилган қилғи кўрси! Учир, телевизори!

Ана сизга санъатнинг кучи! Тўғрироғи, режиссёрнинг ўйламай роль тақсимилаши ҳам...

Гулчеҳра Саъдуллаева билан суҳбатни бошлаш чоғида бундан йигирма бир йил аввалги шундай воқеалар кўнглимдан кечди.

— Гулчеҳраҳон, Узужамол сиз ижро этган биринчи роль бўлса керак!

— Ҳа, биринчи. Санъат оламига кириб келганимдаги биринчи доvon. Биринчи ҳаяжон. Биринчи галаба. Биринчи табрик.

— Ролини бунчалар берилиб ижро этишингизга қараганда оилангиздаги актёрлар сулоласининг талантлик давомчиси бўлгангиз керак!

— Йў-е! Хонадонимиз оддий ишчи хонадон эди. Қоратож маҳалласини ҳамма билади. Уша ерда эди уйимиз. Ордум врач бўлиш эди. Узимча кўнжирқонларни, маҳалладаги ёш болаларни «даволаб» юрардим.

— Ана, ўқувчиларингиздаёқ врач ролини ижро этган экансизку!

— Агар бундай ўйлаб қаралса — шунча. Ойимлар ҳам, бувиимлар ҳам врач ёки муаллима бўлишмга рози эдилар.

Бир кун телевизорда «Бой ила хизматчи» спектакли намойиш этилди. Экрандан кўз узолмай қолдим. Нафас ҳам олмадим, десам ишонаверинг. Сора Эшонтураева ижро этган Жамила жанжи юрагини ўртаб юборди. Бир неча кун, ҳатто, ухлолмай чиқдим. Охири қатъий бир қарорга келдим: мен ҳам актриса бўламан, Жамилани ижро этаман!

Учинчи синфни тугатганимдан кейин тўғри Тошкент театр ва рассомлик санъати институтига бориб, ҳужжат топширдим. Уйдагиларга ТошДУга қираялман деб ёлғонладим. Улар чиппа-чин ишонишди. Ҳатто ойма:

— Бировга таълим бериш жуда хайрли иш қизим, — дедилар. Аммо ёлғоннинг барибир чуви чиқар экан.

Кириш имтиҳонларини топширганимдан кейин, мени тўғридан-тўғри институтнинг иккинчи курсига қабул қилишди. Қулоқларимга ишонмайман! Наҳотки рост бўлса. Бу ёқда актриса бўламан деганлар имтиҳондан ўтолмаптику, мени иккинчи курсга қабул қилишмоқчи.

Имтиҳон комиссияси аъзолари билан дафтарларни текшириб ўтирганимизда, хона зинги тўсатдан зарб билан очилди. Не кўз билан кўрайки, ойма! Қўлларида имтиҳон аракам. Эсим қурсин, ўша кунни, уйда унутиб қолдирган эканман!

— Хўш, — дедилар ойма хонадагиларга кўз югуртириб чиқча, — энди бир ўрингиздан туринг-чи, қизим. Мен билан бирга хонадагилар ҳам туришди.

— Қизингизнинг таланти жуда яхши, ажойиб санъаткор бўлади, — деди кимдир.

Ойма эътибор бермадилар. — Ҳали мени алдайдингиз бўлдингизми? Раҳмат сизга, катта раҳмат, ишончимни оқладингиз.

Икковлашиб қабул комиссиясига бордик. Қабул комиссиясининг раиси Шавкат Ядеев эди. Ойма тинчлантиришга уринди:

— Ундай қилманг, опахон. Не-не актёр бўламан деган қизлар бир дунё умид билан келиб, кўзига ёш билан қайтиб кетди. Имтиҳондан ўтолмади. Қизингизни бирданига

иккинчи курсга қабул қилиялми-а?

— Ахир артист бўладими, қизим? — Опажон, бошқача фикрга борманг. Хўп денг, бир талантга завоқ бўлманг, опахон.

Ойма бўшашиб қолдилар.

— Ҳай майли, — дедилар ниҳоят, — сенга шунчалар ишонишган экан, оқ йўл, қизим. Аммо ўқитувчи бўлишингни жуда ҳам истаган эдим.

Узужамолни ўйнаганимдан кейин уйга, институтга хатлар ёғилиб келди: қандай қилиб актёр бўлгансиз? Ҳатто «Ёшингиз нечада?», деган гаплар... Жавоб ёзиб улгуролмайман, денг.

Ойма ҳам мендан кейин жуда хурсанд бўлдилар.

Аваллари ажойиб бўлган экан-да. Томоша қўйилганидан бўлса аёллар ролини эриклар ўйнар экан... Ташқи қиёфаси ўхшаса ҳам аёлининг ички дунёси-чи! Изтироб-чи! Икки оламга ҳам сиймайдиган муҳаббатчи-чи! Шуларни эриклар қойил қилиб ўйнай олармиди! Йўқ, албатта.

Табнатда ажойиб хислат бор. Мабодо биронта гулни узадиган бўлсангиз, унинг ўрнида икки-уч кундаёқ уч-тўртта гул очилиб туради. Уч-тўрт гул, гарчи улар биринчисини қаби катта, гўзал бўлмаса ҳам, яна узилиш эҳтимоллигининг ўрнини ҳам тўлдириб туради. Ҳаёт ҳам ана шу хислат асосига қурилган десам ҳато бўлмас. Ўзбек театр сахнасида ҳалок бўлган Нурхон, Турсуноилар ўринини ўйнаб, юзлаб Нурхон, Турсуноилар тўлдирди. Улар Нурхонлар қилолмаган ишларини қилишди. Ҳозир сахнада аёлларнинг ёрқин тимсолларини акс эттирган шундай ажойиб актрисаларимиз борки, уларни санаб адо этолмайсиз: Сора Эшонтураева, Яйра Абдуллаева, Эркин Маликбоева, Гулчеҳра Жамилова, Гавҳар Зокирова, Ойдин Норбоева, Римма Аҳмедова, Дилором Сафоева... Уларнинг орасида Абдулла Қаҳҳор номидаги республика сатира театрининг етакчи санъаткори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомолли мукофоти лауреати Гулчеҳра Саъдуллаеванинг ўз ўрни, ўз овози бори.

— Лутфулла Саъдуллаевнинг ҳам шу йилларда танганимизсиз!

— Ҳа, институтда ўқиган йилларим танишганман. Узи Лутфулла акамни мактабда ўқиб юрган йилларимдан билардим... Вой уларни гоҳ Абдулла Набиев, гоҳ Павел Корчагин қиёфасида кўриб, ҳавас қилганларимиз. Кейин у кишига ҳат ҳам ёзганман. Мана бунақа эди мазмунини, сўзма сўз эмас албатта:

«Хурматли Лутфулла ака!

Сиз ижро этган роиларни кўриб қойил қолдим. Қандай қилсам мен ҳам сизга ўхшаб зўр актёр бўламан! Илтимос, маслаҳат беринг.

Салом билан, Гулчеҳра».

Адресларини ҳам ёзганман денг. Лутфулла акам албатта жавоб ёзади деб ўйлаганман-да.

— Нима, жавоб хати олмаганимизсиз?

— Йўқ. Езмаган бўлсалар керак-да.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Лутфулла Саъдуллаев ҳикоясидан:

— Рост, бунақанги хатларни жуда ҳам кўплаб олганман. Тагига қарасам, 8—9-синф ўқувчилари бўлади. Уғил бола ёзсаку бошқа гап. Қизларга жавоб хати ёзсам, биров бунини тўғри тушунади, биров нотўғри.

Йиллар ўтишини қаранг. Гулчеҳраҳон сўраган саволга жавоб бердим. Тўйимиздан кейин, албатта.

— Жавоб хати ёздингизми?

— Йўқ. Гулчеҳраҳон ёзган хатини сақлаб юрардим, қўлларига тутқаздим.

— Гулчеҳраҳон хурсанд бўлгандир!

— Бунини энди ўзидан сўрайсиз.

— Менинг ёзган хатим ардоқлаб, аёйлаб сақланадиган хурсанд бўлмаслигим борми! Бошим осмонга етган эди.

— Эртадаги муҳаббат белгиси бўлса керак-да!

— Жавоб бермай қўяқолай. Ахир бу шахсий масала. Ундан кўра ўқини пайтидаги қийинчиликларини айтиб берай. Давлат имтиҳонлари топширишман, қўлимда чақалогим. Озиб-тўзиб кетганман. Рост жуда ҳам қийналдим.

— Ўқимайман, — дедим Лутфулла акамга, — жуда ҳам қийналиб кетдим.

— Ўқингиз керак, — деди Лутфулла ака, — болага мен қарайман. Сиз институтни тугатишингиз керак. Агар ўқимасангиз нима гап бўлишини биласизми ўзи?

Энди бир кўз олдингизга келти-

Саҳифа меҳмони

Гулчеҳра
САЪДУЛЛАЕВА.

«Одамларга бордир керагим»



ринг: эмизикли бола, она уйда йўқ, ота унинг бошида парвона.

Рости Лутфулла акам бўлмаганда ўқини ташлаб кетардим.

Лутфулла Саъдуллаев ҳикояси:

— Гулчеҳраҳон оилани, айниқса, мени, қаттиқ ҳурмат қилади. Бунини бир-икки сингаганман. Бир сафар «Ленфильм» киностудиясига таклиф қилишди. «Князь Игорь» суратга олиняётган эди. — Нима қилай? — сўради мендан.

— Ўзингиз биласиз! — мужмал жавоб қилдим. Рост ун жўнатишга ўзимнинг ҳам раъйим йўқроқ эди.

Охири «Бормайман» деди.

«Нера!» деб сўрадим:

— Сизлар бу ерда қоласизлар, иссиқ-совуқ, ётиш-туришингиз бор, хотиржам юролмайман, — деб баҳона қилди.

«Ун уч терак кўчаси» фильмида ҳам суратга тушмади. Довженко номли киностудия таклиф қилганди.

— Гулчеҳраҳон, никонинлар кўплаб спектаклларда ўйнагансизлар. Бир оилада икки санъаткор бўлиши ишингизга ҳалақит бермайдими!

— Асло! Бир-биримизга устоз, бир-биримизга шогирдимиз. Ҳатто уйда ҳам кўмаклашамиз. Биласиз, санъаткор деган хунар соҳибининг иш кўни суткасига 24 соат. Ҳатто тушларида ҳам шу ролини ижро этади. Лутфулла акамдан жуда кўп нарсаси ўргандим. Урганаялман ҳам.

— Сиз ҳақингизда СССР халқ артисти Сора Эшонтураева жуда илиқ гаплар айтган эдилар.

— Ҳа, Сора опа менинг устозим десам ҳато бўлмас. «Шарқ тоғи» телестановкасида бирга роль ижро этганмиз. Улар ҳатто мен ҳақида «Саодат» журналида мақола ҳам ёзганлар.

СССР халқ артисти
Сора ЭШОНТУРАЕВАНING ёзган-ларидан:

— Мен Гулчеҳраҳонинг истеъдоди, таланти ҳақида кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолдим. Унга эътиқодим, ишончим ортди ва шундай қарорга келдимки, Гулчеҳра актёрлигини танилаб хато қилган эмас.

Хурсанд бўлган томоним яна шундаки, Гулчеҳра санъаткор оилага, санъатни яхши тушунадиган оилага келин бўлиб тушди. У турмуш ўртоғи — истеъдодли актёр Лутфулла Саъдуллаев билан ҳамкорликда меҳнат қилди... Бу икки ёшни саҳнада кўрсам, ўзимнинг ёшлигини, Аббор Ҳидоятлов билан биргаликда ижод этган бахтиёр чокларимни эслайман.

Умид қиламанки Гулчеҳра интилади, пишқиб образлар яратлади. — Бунини қаранг, орадан шунча йиллар ўтиб, ҳали ҳам Сора опалар менинг ҳар бир ролимини кузатар эканлар. Айниқса, сатира театрига ишга ўтганимизни эшитиб, ҳафа бўлдилар. «Сен Жамилаларни, Офелияларни ўйнашинг зарур бўлган актрисасан, шунини унутма», дедилар.

— Сатира театрида қайси спектаклларда иштирок этдингиз?

— «Тобутдан товуш» спектаклида Нетахон ролини ижро этдим.

— Гулчеҳраҳон, актриса, айниқса ёш актриса учун энг муҳим хислат нима деб ўйлайсиз?

— Сабот. Иродали, саботли актриса ўз ниятига етди! Албатта, қийинчиликлар кўп бўлади. Кўпгина оилалар санъаткорларга «бошқача» назар билан қараш дарадидан қутулолмаган. Қизларимиз ана шу «дард» деворини енгишлари керак.

Турмуш қурилади. Ферзандли бўласиз. Кейин аёлининг оддий ишлари: кир ювиш, овқат қилиш, болалар тарбияси, қийинчиликлар — барини енгиш керак. Устига-устак узлуksиз меҳнат қилиш керак. Шундай пайтлар бўладикки вақтида таом еёлмайсиз, дам ололмайсиз. Бу эса солиққа таъсир кўрсатади. Санъатнинг ўзи фидойилик. Санъат йўлига тушган одам фидокор бўлиши керак. Бу насихат эмас, бошимдан ўтгани учун айтаялман.

— Кечирасиз, онлангиз ҳақида...

— Ҳа, тушундим. Яқинда қизим Гулараҳонни турмушга узатдик. Ўғлим Сарвар эса Тошкент Давлат маданият институтига ўқияпти.

— Ҳозиргача яратган образларингиз ичиде ўзингизга маъқул қайси, деб ҳисоблайсиз?

— Билмадим, мен учун энг маъқул ҳали ижро этмаган ролим бўлса керак.

— Нера!

— Ўз ишимдан қонқиш ҳосил қилишдан кўркаман.

— Телестановкалар сизни Узужамол («Қисмат»), Руфь («Қасоскор Руфь»), Наташа («Она юртим оксколи»), Муҳаммад («Баҳор қайтмади»), Розия («Эрик»), Саломат («Илайман») каби ўндан ошқир роиларда кўрган, севиб қолган. Яқин кунларда томошабинларга қандай образлар тўхфа этмоқчисиз?

— Шароф Бошбековнинг «Эшик қоққан ким ўзи?» телестановкасида қатнашялман. Яна сатира театримизда араб адаби Товфиқ ал-Ҳакимнинг «Қовурилган ўрдак парвози» комедиясида кампир ролини ижро этаман.

— Яна Лутфулла Саъдуллаев билан биргаликдами!

— Албатта. Бизни ажратиб бўладими!

— Бўш вақтингизда нима иш билан шуғулланасиз?

— Бўш вақтингиз бўлса кошқийди! Салгина қўлимиз бўш бўлди дегунча китоб ўқийман. Умуман, китобсиз яшаш мушкул бўлса керак.

— Ҳаётда яшашдан мақсад нима-да деб ўйлайсиз?

— Одамларга кераклигининг се-зиб турсанг қандай сози! Уларингда маъмуни, кунларинг қароғи!

— Демак, сиз шундай яшашпсиз?

— Бошқача яшашни тасаввур қилолмайман.

Саҳифа меҳмони:
Темур УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДКОЛЛЕГИЯ

«Мушоҳада»нинг навбатдаги сони
27 декабрда чиқади.

ҚАЙТА ҚУРИШНИ АМАЛИЙ ИШЛА БИЛАН ЧУҚУРЛАШТИРАЙЛИК

СССР

бачев

(Давоми. Бош 1 ва 2-бетларда).

Хўжаликни молиявий қўлланлаштириш, биринчи навбатда зарар қўришни тўғатиш янги хўжалик механизмини муваффақиятли жорий этиш шартидир. СССР Министрлар Совети зарар қўришни асосан 1989 йилда тўғатиш вазифасини қўйди. Шаҳар ижроия комитети, унинг бошқармалари ва бўлимлари мана шу талабга асосланиб ишлаб чиқилган программага тузатишлар киритишлари ҳамда программанинг амалга оширилишини таъминлашлари зарур.

Халқ депутатлари шаҳар Советининг доимий комиссиялари Тошкент шаҳрини иқтисодий ва социал ривожлантириш 1989 йилги планининг шаҳар ижроия комитети тақдим этган лойиҳасини тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритдилар.

Шаҳар ижроия комитети шаҳарнинг 1989 йилги бюджет тўғрисидаги даромадлар ва харajatлар бўйича 72222 минг сўм миқдоридда тақдим этди.

Комиссиялар шаҳар ижроия комитети бошқармалари, бўлимларининг ва район Советлари ижроия комитетларининг илтимосномаларини кўриб чиқиб, шаҳар бюджети харajatларини 811 минг сўм қўйиштириш, ана шу маблағларни ободонлаштиришга (550 минг сўм) ва мактабга таъбия муассасалари учун асбоб-анжомлар харид қилишга (261 минг сўм) сарфлаш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Комиссиялар қабул қилинган тузатишларни ҳисобга олиб, Тошкент шаҳрининг 1989 йилги бюджетини даромадлар ва харajatлар бўйича 737033 минг сўм миқдорда, тасдиқлаш тўғрисидаги таклифни киритдилар.

Доимий комиссиялар Тошкент шаҳрининг 1987 йилги бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқдилар ва уни шаҳар ижроия комитети тақдим этган сумада тасдиқлаш ҳақида таклиф киритдилар.

Секция мажлисларида ижроия комитетининг 1988 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини ҳамда шаҳарни 1989 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш лани лойиҳасини муҳокама қилган депутатлар топиришлари кура сессияда 459-сайлов округидан депутат, Тошкент суд экспертизаси илмий-тадиқот институтининг директори Б. И. Пинхасов, 211-сайлов округидан депутат, Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари Х. С. Орипов, 36-сайлов округидан депутат, эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадиқот институтининг директори Ш. Назаров, 14-сайлов округидан депутат, 10-поликлиника бош врачни Г. В. Салабаева, 465-сайлов округидан депутат, Ўзбекистон ССР алоқа министрининг биринчи ўринбосари Ш. Ш. Исломов, 491-сайлов округидан депутат, Чилонзор район ижроия комитети раиси О. Ж. Исломов сўзга чиқдилар.

Сўнгра сессия қатнашчилари Тошкент шаҳар Советининг афро-муҳитни муҳофаза қилиш доимий комиссиясининг иш тўғрисида 383-сайлов округидан депутат, Тошкент авиация техникумининг ўқитувчиси Т. В. Каманнинг ҳисоботини тингладилар.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советида афро-муҳитни соғломлаштириш заруриятини эътиборга олиб, маъзур сессияда биринчи марта афро-муҳитни муҳофаза қилувчи доимий депутатлар комиссияси тузилди. Айрим қунарларда шаҳарда чанг-тўзоннинг, олтингурутти газ, азот икки оксиди, аммиак феноли, фтор водородининг йўл қўйиб бўлади-ган энг юқори жамланishi 1,3 баравардан 1,7 бараваргача ошиб кетиши кузатишмоқда.

Утган йили шаҳардаги санoат корхоналарининг ўзинига 50 минг 717 тонна зарарли моддаларни ҳавога чиқариб ташлади. Бу йил ана шу рақамлар биров қамайган бўлишига қарамай, шаҳарнинг ҳар бир аҳолиси ҳисобига 11 килограммдан зарарли чиқинди тўғри келади.

Фрунзе, Ленин, Сергели районлари энг кўп буланган районлардир. Аммо шаҳарнинг бош магистраллари — Навоий, Шота Руставели, Пушкин, Ангелс кўчаларида, Куйбишев шоссесига вазиат айниқса ёмон, Чунки авто-

мобиль транспорти ҳиссасига тўғри келатган чиқиндилар улуши муттасил ортиб борапти ва мутахасссларнинг амаалари кура ҳозирдаёқ 70 процентга яқинлашиб қолган.

Комиссиянинг мажлисларида шаҳарнинг ҳаво ва сув ҳавзаларини муттасил жуذا бўлгаб келатган баъзи корхоналар: «Таштекстильмаш» заводи, «Средакабель» бирлашмаси, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент асбобозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, таъриба-механика ремонт-экскаватор заводи, Урта Осиё темир йўли Тошкент бўлими тепловоз ремонтни заводи, «Ўзбексельмаш», «Комфорт» ишлаб чиқариш бирлашмалари бир қанча раҳбарларнинг табиятни муҳофаза қилиш борасида ўтказилаётган тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

Шаҳарнинг автомобиллардан чиқатган ту-туларидан газлашуни ортиб бораётганлиги комиссия аъзоларини айниқса таъминлаштирмоқда. Пойтахтимизда автомобиллар муттасил қўлаймоқда ва бу муаммо тобора ўткирлашмоқда. Халқ хўжалигини таъминлаш, шу билан бирга энг муҳими одамларнинг саломатлигига жуذا катта зиён етказилмоқда.

Кўпгина рақамлар ҳали яқиндагина сир сақланаётган эди. Энди биз уларни айтилапми. Чунки тўла ошкоралиқсиз табиятни муҳофаза қилишни умуман тасаввур этиб бўлмайди.

Баъзи автомобиль хўжаликларидида фойдаланишдан олиб қўйилган машиналар улуши 30 процентга етди. Техника хизмати станциялари афро-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига эътибор бермаётганликлари факти ГАИ бошқармасини айниқса хавотирга солмоқда. Чиқарилаётган газларнинг заҳарлиги ё умуман текширилмайди ёки автомобиль ремонтдан кейин ҳам чиқариётган газларнинг заҳарлилик даражаси юқорилигига қўлаверди.

Комиссия мажлисида шаҳардаги ҳавонини муттасил заҳарлаб келатган автомобиль хўжаликларининг раҳбарлари тингланди. Улар барча автохўжаликлар учун умумий бўлган муаммоларни аниқлаб бердилар, ундай муаммолар асосан тўртта:

1. Чиқарилаётган газларни зарарсизлантирадиган асбоблар ва уларни ишлатиш шартлири йўқ.
2. Нозтиллаштирилган бензин йўқ (мамлакатда жами бензин миқдорининг атиги 25 процентига қадар экологик жиҳатдан бирмунча соф ёнилги ишлаб чиқарилади).
3. Шаҳар қурилиши — учинчи муаммодир. Тирбандлик вақтидаги сон-саноксиз «тиқчилар», светофорлар олдидаги тўхташлар чиқарилаётган газларнинг заҳарлигини оширади.
4. Газ анализаторларининг етишмаслиги. Автомобиль хўжаликлари ва ҳатто ГАИ хизматлари шундай приборлар билан жуذا ёмон таъминланган. Шаҳарда атиги иккитанга тутун ўлчагич бор. СССР Асбобозлик санoати министригидан газ анализаторларини олишга 20 йилдан бун бехуда уриниб келинмоқда, чет эл газ анализаторлари эса жуذا қиммат (биттисининг қиймати намида 10 минг доллар туради).

Шундай бўлсада, бизнингча шаҳар чиқинди газларни диагноз қилувчи восталарни собиб олишга эришишга ҳаракат қилиши керак.

Биз эга бўлган аввалги экологиянинг, аввалги хўжалик юртишнинг оқибатидида барча экологик муаммоларни ҳал этиш мурракб-лашиб кетди. Хўжалик юртиш системасини батамом ўзгартирган тақдирдагина экология муаммоларини тубдан ҳал этиш мумкин. Шундай иқтисодий механизмин ишта солиш керакки, бунда табиятни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни бузишнинг иложи бўлмай қолсин. Шундай таъриба бор, уни ўрганиш керак.

Сув табиятнинг энг нозик қисми бўлиб қолди. Инсон қаерини булғатмасин, ҳамма нараса сувга, анҳорга, каналга тушади. Шаҳримизда кўпгина каналлар ювинди ҳандақларига айланиб қолган, сувни муҳофаза қилиш тадбирлари ўтказилаётган бўлсада, яхшилик сари сийишдан дарак йўқ.

Шаҳарда тупроқнинг булғаниш даражасини умуман ҳеч ким анализ қилмайди. Шаҳар чегарасида қўллаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилмоқдаки, уларда заҳарли моддаларнинг қўллитги турган гап.

Шаҳарни жуذا ахлат босиб кетган, бу эса шаҳардаги экологик вазиятгагина эмас (ахлатни ташиб кетилмаса, у ёқиб юборилади), шу билан бирга эпидемиология вазиятига ҳам таъсир қилади.

Миллион алоҳида санитария ротасининг доимий комиссия мажлисидаги ҳисоботи, шаҳарда озодаликни ўрнатиш масалаларида унинг охилигини кўрсатди.

Агар биз инсонни ниманики униб ўсаётган, нафас олаётган, парвоз қилаётган, югураётган, сузатган бўлса шуларнинг ҳаммасига нисбатан меҳр-муҳаббат ва доно муносабат руҳида тарбияламас эканмиз, ҳеч қандай қонунлар, тақиқлашлар, жарималар ва назолар ёрдам бермайди.

Табиятни тушуниш, уни эъзозлаш гўдак қадим босиниш ўрнаётган пайдан то ундан кейин ер қозиди қолдиган ҳамма нарсаларга сўнгги бор назар ташлашга қадар инсоннинг бутун турмушн мобайнидаги асосий фан бўлиб қолсин керак.

Комиссия Тошкент шаҳрида меҳнаткашларнинг сайлоҳлари ва дам олиш жойларида яншаб қанларини транспортдан ҳоли қунар деб эълон қилиш тўғрисида шаҳар ижроия комитетига таклиф киритди. Бу тасвия амалга оширилди.

Яқинда республикада табиятни муҳофаза қилиш давлат комитети ташкил этилди, декабрь ойида эса шаҳар комитетининг тузилиши қутилмоқда. Биз ана шу комитет сиймосида шаҳардаги вазиятни соғломлаштириш баъсидидаги ишончли шерик ва иттифоқчига эга бўлиб қоламиз, деб ўйлаймиз.

Доимий комиссиянинг сессиядаги маъзур ҳисоботи — салкам бир ярим йиллик ишмининг яқинидир.

Доимий комиссия ўз куч-гайратини энг ўткир муаммоларни ҳал этишга, шаҳар экологиясидида қалтис нуқталарни бартараф этишга сарфлай беради. Бизнинг нуқтан назари-мизда қўйидаги масалалар дарҳол ҳал қилиниши зарур:

1. Шаҳарда эски ирригация системасини қайта тиклаш ва янги системани барпо этиш керак, бусиз шаҳримизни қуналарзорлаштириши, бинобарин унинг ҳавосини мусафо қилишни тасаввур этиб бўлмайди.

Бу қанчалик мурракб ва қимматга тушадиган иш бўлмасин, уни бажариш ва бажарганда ҳам биринчи навбатда бажариш зарур. Музокараларда Тошкент шаҳар Советининг раиси, депутат Ш. Х. Хўжаев, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ў.И. ишлар бошқармаси ГАИ бошлиғи Б. В. Путишев сўзга чиқдилар.

Тошкент шаҳрида афро-муҳитни муҳофаза қилишнинг 2000-йилгача бўлган даврга мўлжалланган комплекс илмий-техника программаси комиссия ишшининг планига асс қилиб олинганилиги қайд этилди.

Комиссиянинг мажлисларида давлат назорати органлари — атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича ЎзУТКСнинг, Давлат инспекциясининг, шаҳар санитария-эпидемиология станциясининг, «Бодональ-трестининг», шаҳар ҳаво ва сув ҳавзаларини доимо энг кўп булғатиб келатган «Средакабель», Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Ўзбексельмаш» бирлашмаси, асбобозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Таштекстильмаш» заводи қаб ва бошқа корхоналар раҳбарларининг, автотранспорт корхоналари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Депутатлар, доимий комиссия аъзолари шаҳар корхоналарида афро-муҳитни муҳофаза қилиш ишларининг аҳолини жойларга бориб дастлабки тартибда таллаб анализ қилдилар.

Шу билан бирга халқ депутатлари шаҳар Совети афро-муҳитни муҳофаза қилиш доимий комиссияси умуман шаҳарда афро-муҳитни муҳофаза қилиш проблемасини ҳал этишга ҳали жийдий таъсир ўтказмаётганлигини қайд

этади. Комиссия ҳали ўз саставига кирган ҳар бир депутатнинг активлиги оширилишига эришгани йўқ, бу эса унинг иш натижадорлигига анча таъсир қилмоқда.

Шаҳар Советининг афро-муҳитни муҳофаза қилиш доимий комиссияси қабул қилинган тасвиялар бажарилишига доир ўзининг назорат қилиш вазифасини тўлиқ амалга оширма-япти.

Совет Тошкент шаҳрининг 1986—1990 йил-ларга ва 2000-йилгача бўлган даврга мўлжал-ланган тўлиқ ишлаб чиқилган «Саломатлик» комплекс тармоқ программасини тасдиқлади.

Совет қўйидагиларни қарор қилди:

— «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари об-ласт Совети тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонунининг 39-молдасига асосланиб, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг табиятни ва афро-муҳитни муҳофаза қилиш комитети тузилсин;

— Тошкент шаҳар ижроия комитети архи-тектура-планлаштириш бош бошқармаси Тошкент шаҳар ижроия комитетининг архи-тектура ва шаҳарсозлик бош бошқармасига айлантирилсин;

— Тошкент шаҳар ижроия комитетининг юстиция бўлими билан ЗАГС бўлими Тошкент шаҳар ижроия комитети юстиция бошқармаси-га айлантирилсин;

— Тошкент шаҳар ижроия комитетининг меҳнат бўлими ва Тошкент шаҳар ижроия ко-митети социал-таъминот бошқармаси Тошкент шаҳар ижроия комитетининг меҳнат ва со-циал таъминот бошқармасига айлантирилсин;

— Тошкент шаҳар ижроия комитети меҳ-монхоналар хўжалиги бошқармаси Тошкент шаҳар ижроия комитетининг коммунал корхо-налар ишлаб чиқариш бошқармасига айланти-рилсин;

— Тошкент шаҳар ижроия комитетининг 20 қаватли маъмурий бинони эксплуатация қилиш бошқармаси Тошкент шаҳар ижроия комитети маъмурий бинолар ва одам яшамай-диган биноларни эксплуатация қилувчи ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилсин;

— Тошкент шаҳар ижроия комитети халқ истеъмол моллари бўйича коллектив фойда-лиш ишораларо мувофиқлаштирувчи мар-кази Тошкент шаҳар ижроия комитети ҳузу-ридаги халқ истеъмол моллари ва ресурслар-ни тежайидиган технологиялар ишлаб чиқиш бў-йича тармоқларо мувофиқлаштирувчи инже-нерлик комплексига айлантирилсин;

— халқ маорифи бош бошқармаси ва ҳу-нар-техника таълими бошқармаси Тошкент шаҳар ижроия комитети халқ таълими бош бошқармасига айлантирилсин;

— маданият ва кинолаштириш бошқарма-лари Тошкент шаҳар ижроия комитетининг маданият бош бошқармасига айлантирилсин;

— Тошкент шаҳар ижроия комитети дори-хоналар бошқармаси «Фармация» ишлаб чи-қариш бирлашмасига айлантирилсин.

Қўйидагилар тугатилсин:

— курорт ҳамда соғломлаштириш муасса-салари қуриш ва эксплуатация қилиш бош бошқармаси;

— шаҳар комплекс қурилишини мувофиқ-лаштириш ва қурилишга майдонлар тайёрлаш бошқармаси;

— Тошкент шаҳар ижроия комитетининг маҳаллий санoат бошқармаси.

Совет қўйидаги ҳисоботларини тинглади:

— «Депутат Т. Х. Ҳайдаровнинг сўрови тўғрисида» Тошкент шаҳар Советининг 1987 йил 27 ноябрдаги 43/3—XX — қарори қандай бажарилаётгани ҳақида;

— «Депутат В. А. Вирюковнинг сўрови тўғрисида» XX қақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети V ва VI сессиялари-нинг 1988 йил 26 августдаги 72/6—XX — қарорлари бажарилиши ҳақида.

Сессияда ташкилий масалалар кўриб чиқил-ди.

Совет депутат Қудратилла Абдуллаевич Солиҳовни Тошкент шаҳар Совети ижроия ко-митети раисининг биринчи ўринбосари этиб сайлади.

Совет Т. У. Хидировни Тошкент шаҳ-вети ижроия комитети умумий бўлими, мудури қилиб тасдиқлади.

Совет:

— Шахват Ҳакимович Фаттоховни Ўзбеки-стон ССР Госснаби Тошкент шаҳар бош тер-риториал бошқармасининг бошлиғи;

— депутат Раҳимжон Абдулҳасановни Тош-кент шаҳар ижроия комитети юстиция бошқар-масининг бошлиғи;

— Людмила Ивановна Романовна Тош-кент шаҳар ижроия комитети маданият бош бошқармасининг бошлиғи;

— депутат Елена Яковлевна Михайленко-ни Тошкент шаҳар ижроия комитети уй-ғой май-донларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва яқ-ка тарбиялаш уй-ғойлар устидан назорат бошқармасининг бошлиғи;

— Юсуп Шабиевич Ражабовни Тошкент шаҳар ижроия комитети коммунал корхона-лар ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи;

— Владимир Иванович Окороновни Тош-кент шаҳар ижроия комитети маъмурий бино-лар ва одам яшамайдиган биноларни эксплуа-тация қилувчи ишлаб чиқариш бирлашмаси-нинг директори;

— Холида Убайдуллаева Турсуновани Тошкент шаҳар ижроия комитети меҳнат ва со-циал-таъминот бошқармасининг бошлиғи;

— Хожикабар Тошқўжаевни Тошкент ша-ҳар ижроия комитети халқ истеъмол мол-лари ва ресурсларни тежайидиган технология-лар ишлаб чиқиш бўйича тармоқларо му-вофиқлаштирувчи инженерлик комплексининг бош директори этиб тасдиқлади.

Совет:

— Абдурахим Абдурахмоновни бошқа иш-га ўтганлиги муносабати билан Тошкент ша-ҳар Совети ижроия комитетининг хўжалик бўлими мудури лавозимидан;

— Гулжаҳон Саидовна Ғойибовани граж-данлик ҳолати ақтарини ёзиш бўлими туга-тилганлиги ва бошқа ишга ўтганлиги муноса-бати билан шу бўлимининг мудури лавозими-дан;

— Геннадий Иванович Деркачни Тошкент шаҳар ижроия комитетининг меҳнат бўлими тугатилганлиги ва у бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан шу бўлимининг мудури лаво-зимидан;

— Кибиддин Хўжаевич Доңиёровни Тош-кент шаҳар ижроия комитети кинолаштириш бошқармаси тугатилганлиги ва у бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан шу бошқарма бошлиғи лавозимидан;

— Тарас Федорович Крушельницкийни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Тош-кент шаҳар ижроия комитети шаҳар уй-ғой бошқармасининг бошлиғи лавозимидан;

— Олег Дидарович Ормановни комплекс қу-рилишни мувофиқлаштириш ва қурилишга майдонлар тайёрлаш бошқармаси тугатилган-лиги ва у бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан шу бошқарманинг бошлиғи лавозими-дан;

— Қаҳрамон Мелибоевич Сидиқназаровни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Тош-кент пассажи автотранспорти бош бошқарма-сининг бошлиғи лавозимидан овоз қилди.

311-сайлов округидан сайланган депутат, Тошкент об-ласт халқ контроли комитети раи-сининг ўринбосари В. Д. Серокуров СССР Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар тўғ-рисидаги ҳамда СССР халқ депутатларини сайлаш ҳақидаги СССР Қонунларининг лойи-ҳалари Тошкент шаҳрида қандай муҳокама этилгани тўғрисида ахборот берди.

Ушбу масалани муҳокама қилишда депутат-лардан Киров район ижроия комитетининг раиси Р. Х. Ҳикматуллоев, Тошкент шаҳар ижроия комитети юстиция бошқармасининг бошлиғи Р. Х. Абдулҳасанов қатнашдилар.

Совет Йигирманчи қақириқ халқ депутатла-ри Тошкент шаҳар Советининг 1989 йилги иш планини тасдиқлади.

Ушбу масала юзасидан Совет қарор қабул қилди.

Тошкент шаҳрини иқтисодий ва социал ривожлантириш 1989 йил плани тўғрисида

Тошкент шаҳар Совети қарор қилади:

1. Тошкент шаҳрини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети тақдим этган 1989 йилги плани халқ депутатлари Тошкент шаҳар Со-ветининг план-бюджет ҳамда бошқа доимий комиссиялари киритган тузатишларни ҳисоб-га олиб тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳрини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги планининг ку-йидаги асосий кўрсаткичлари белгилансин:

1988 йил планига нисбатан	Ғуши, процент	ҳисобиди
---------------------------------	------------------	----------

Халқ истеъмол моллари ишлаб
чиқариш чакана нархларда

4,6

Маҳаллий Советлар бўйича давлат капитал маблағлари	3,3
Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти	5,8
Аҳолига кўрсатиладиган пулли хизмат ҳажми	1,0

Маҳаллий бюджет таъминотидаги
мактабгача тарбия муассасаларида
болалар сон 5,4 |

3. Экономикани социал соҳага қаратишдан
иборат йўлга мувофиқ социал-маданий соҳа-нинг моддий базаси янада мустаҳкамланиши
таъминлансин, ҳамда 1989 йилда пул билан
таъминланшининг барча манбалари ҳисобидан
қўйидагилар фойдаланишга топирилсин:

ушбу йилда (жами саҳни ми- квадрат метр)	1132,6
мактабгача тарбия муассасалари (урин)	6490
— умумий таълим мактаблари	

(ўқувчи ўрни)	12928
— касалхоналар (урин)	140
— амбулатория-поликлиника лари (ҳар сменада қабул қилинадиган беиморлар)	2560

4. Халқ депутатлари шаҳар ва район Совет-ларининг ижроия комитетлари 1989 йилдаёқ
озин-оқват таъминотини яхшилашга, аҳоли-нинг нозинқ-оқват товарларига ва хилма-хил
хизматларга бўлган талаб-эҳтиёжларини тў-лиқроқ қондиришда, савдо-сотiq ва умумий ов-қатланшини ташкил этишни яхшилашда аҳо-ли учун сезиларли ўзгаришларга эришиш ва-зифасини ҳал этишга диққат-эътиборни қа-ратсинлар. Шу мақсадда маҳаллий имконият-лардан иложли борича кўпроқ фойдаланилинс,
халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга
ҳамда хизмат соҳасини ривожлантиришга кор-хоналар ва бирлашмалар қайси идорага бўй-

сунишдан қатъий назар, кенг жалб этилсин,
аҳолининг талаб-эҳтиёжлари билан халқ ис-теъмол моллари ишлаб чиқариш ва пулли
хизматлар кўрсатиш ҳажмлари ўртасида мута-носилликка эришилсин.

5. 1989 йилда халқ хўжалигининг барча
ишлаб чиқариш тармоқларидаги корхоналар-ни тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул
билан таъминлашга ўтказиш ниясига еткази-лишини эътиборга олиб, шаҳар ва район
Советларининг ижроия комитетлари, шаҳар
ижроия комитетининг Бош бошқармалари,
бошқармалари, бирлашмалари ва бўлимлари,
шаҳар корхоналари ва ташкилотлари янги
хўжалик механизмининг барча жиҳатлари
ўзаро баҳамжият ишлашин

